

# **Исо Масих тарихи**

## **Қисқача накл**

**Муаллиф - Жон Гериг  
Рассом - Давид Кувавский  
2021**

## **Мундарижа**

Машхур одамларнинг Исо ҳақидаги фикрлари . . . . .	4
Бу қандай китоб? . . . . .	5
Кириш – Яратилишга қадар . . . . .	7
1-боб – Яратилиш ва тўфон . . . . .	9
2-боб – Иброҳим Худога ишонди . . . . .	12
3-боб – Ваъда қилинган өрга қандай қилиб қайтиб бориш? . . . . .	15
4-боб – Абадий ҳукмронлик қиладиган шоҳ бўладими? . . . . .	18
5-боб: Масиҳ келаятими? . . . . .	20
6-боб – Сургунда . . . . .	21
7-боб – Худонинг Ўғли бизнинг дунёга келаяти . . . . .	24
8-боб – Исонинг чўмдирилиши ва иблис томонидан васаваса қилиниши. . . . .	27
9-боб – Устоз (Муаллим) ўз шогирдларини танлайди . . . . .	29
10-боб – Қойил! У мўъжизалар яратади! . . . . .	31
11-боб – «Кимнинг эшитар қулоғи бўлса, эшитсин!» . . . . .	35
12-боб – Нима учун ҳамма Исони қабул қилмади? . . . . .	38
13-боб – Охирги ҳафта . . . . .	41
14-боб – Вазифа бажарилди – Исонинг хочи ва ўлими . . . . .	44
15-боб – Масиҳ тирилди! . . . . .	47
16-боб – Жамоат – Исонинг ердаги танаси . . . . .	50
17-боб – Исонинг жамоати ҳамма учун. . . . .	53
18-боб – Исо ҳозир нима қилаяти? . . . . .	57
19-боб – Исо қайтмоқда – сен эса тайёрмисан? . . . . .	57
Keyingi so'z: Iso va Biz . . . . .	59

## Илова

Муқаддас Китобни қандай қилиб ҳаётингизнинг бир қисмига айлантиришингиз мумкин? . . . . .	62
Ёдлаш учун оятлар . . . . .	68
Агар Муқаддас Китобга доир менда шубҳалар бўлса, нима қилишим мумкин? . . . . .	69
Бобларга кўра Муқаддас Китоб парчалари. . . . .	71
Масиҳнинг шажараси. . . . .	76
Исо давридаги Исроил харитаси . . . . .	77

**Машҳур одамларнинг Исо ҳақидаги фикрлари**

**Наполеон Бонапарт**

*француз генерали, сиёсатчи ва император*

«Мен одамларни яхши биламан ва Исо Масих – бу оддий одам эмаслигини айтишим мумкин. Уни ер юзида яшаган бирорта киши билан солиштириб бўлмайди. Александр Македонский, Қайсар и Буюк Карл ҳам мен каби империяга асос солишган. Лекин бизнинг ғалабаларимиз асосида нима турибди? Куч. Исо Масих империяни севгидан иборат пойdevор устида қурган ва миллионлаб одамлар Унинг учун ҳалок бўлишга тайёр турадилар.»

**Махатма Ганди**

*ҳинд сиёсий етакчisi*

«Бутунлай бегуноҳ бўлган одам, ўзини бошқа одамлар учун, ҳатто душманлари учун курбон қилган ва дунёning оқловчисига айланган ва мукаммал ишни амалга оширган.»

**Альберт Эйнштейн**

*келиб чиқишии немис бўлган физик*

«Мен яхудийман, бироқ Носираликнинг ёрқин шахсига қойил қолганман. Сафсатабозлар қанчалик моҳир бўлишмасин, Исо уларнинг қалами учун ҳаддан ташқари улкан сиймо ҳисобланади.»

**Чарльз Диккенс**

*британиялик ёзуви*

«Мен ўз қалбимни Масих Нажоткор орқали Худога ишониб топширдим. Мен сизга масиҳий дини ҳақиқати ва гўзаллигини етказмоқчиман, чунки у Масихнинг Ўзидан етказилган. Агар сиз Уни итоаткорлик ва самимийлик билан қадрлассангиз, адашмаган бўласиз.»

**Жан-Жак Руссо**

*швейцариялик файласуф*

«Агар Суқрот файласуф сифатида яшаган ва ўлган бўлса, Исо Масих Худо сифатида яшаган ва ўлгандир.»

## **Бу қандай китоб?**

Бу китоб Муқаддас Китобга асосланган ҳолда Исо Масиҳ ҳақида сўзлаб беради. Одамлар Исо Масиҳга ҳар хил муносабат билдирадилар. Баъзи одамлар қизиқувчанлик билан қарайдилар: «Нима учун одамлар ҳали ҳам 2000 йил аввал яшаб ўтган бу кезиб юрувчи ваъзхонга эътибор берадилар?», бошқа одамлар эса шубҳа билан қарайдилар: «Ахир, мўъжизалар ва қайта тирилишлар фақат эртакларда бўлмайдими?» Бошқалар эса шу саволга жавоб излайдилар: «Исо ҳақидаги билим менга ёрдам бериши мумкинми?»

Шундай қилиб, қўлингиздаги қандай китоб бўлиши мумкин? Дастлаб бу қандай китоб эмаслигидан гапиришни бошлайлик. Бу Муқаддас Китоб эмас. Муқаддас китобда мингдан ортиқ саҳифа бор, мазкур китоб эса бор йўғи 50 саҳифадан иборат (Расмлар билан бирга). У Муқаддас Китобни ўқишининг ўрнини босиш учун мўлжалланмаган. У Муқаддас Китобда содир бўлган воқеаларнинг қандай содир бўлганини тушунириш учун ҳам мўлжалланмаган. Бу китоб Муқаддас Китоб воқеаларига оз шарҳ келтирган. Бироқ баъзи тушуниришлар бу воқеаларни яхшироқ тушунишингиз учун ёрдам беради. Бу китоб жамоат маросимлари ёки Муқаддас Китоб доирасидан ташқаридаги воқеалар ҳақида гапирмайди (китобнинг охиридаги баъзи шарҳлар бундан истисно ҳисобланади).

Бу китоб Исо Масиҳ билан боғлиқ асосий Муқаддас Китоб воқеалари ва мавзулари ҳақида гапириб беради. Агар сиз бу воқеаларни Муқаддас Китобда мустақил равища ўқиб чиқишини истасангиз, у ҳолда “бобларга кўра Муқаддас Китоб манбалари” иловаси сизга уларни топишга ёрдам беради. Лекин бу иловада ҳамма ҳикояларга доир манбалар келтирилмаган, акс ҳолда бу китобнинг ҳажми жуда катта бўлар эди.

Сизнинг олдингизда Исо Масиҳ таржимаи ҳоли турибди. Бу китоб инсониятни Ўз Ўғли, Исо Масиҳ орқали гуноҳдан ва ўлимдан халос қилишни истаган севувчи ва солиҳ Худо ҳақида гапириб берувчи Муқаддас Китобнинг асосий мазмунининг қисқача баёнидир. Агар сиз дастлаб бу китобни ўқиб чиқсангиз, сўнг эса Муқаддас Китобни мустақил равища ўқий бошласангиз, у ҳолда Муқаддас Китобнинг матни қандай қилиб битта умумий манзарага айланишини кўрасиз. Яъни бу китоб йўл кўрсатувчи харита вазифасини бажаради. Харита сизнинг тўғри йўналишни топишингизга ёрдам беради.

Муқаддас Китоб ичидаги китоблар доим ҳам кетма-кетлиқда жойлашмаган, бироқ битта воқеа сифатида, Исо ҳақида гапириб беришни асосий мақсад қилган бу китоб, кетма-кет тартибда жойлаштирилган. Бу Исонинг ҳикоясидир. Исонинг туғилишидан аввал ёзилган Эски Аҳдда ҳам Масиҳнинг тимсолини кўрамиз.

Ниҳоят, муаллиф барча йўналишлар: православ, католик ва протестантларда умумий ҳисобланган ҳикоялар ва таълимотларга алоҳида эътибор қаратишга қарор қилган.

Муқаддас китоб – бу шунчаки тарих бўйича ўқув қўлланмаси ёки жаҳон динларидан бири учун аталган маълумотнома эмас. Муқаддас Китобнинг асосий мавзуси Худонинг инсон билан ва аксинча, инсоннинг Худо билан ўзаро муносабати ҳисобланади. Бу ўзаро муносабатларда марказий ўринни Исо эгаллайди. Бу китоб сизга Исо Масиҳ ва Муқаддас Китоб ҳақида умумий тушунча беради ва шу орқали ўз ҳикоянгизни Худонинг ҳикояси билан боғлашга ёрдам беради деб умид қиласман.

Сиз тайёрмисиз? Қани бошладик!

## Кириш: Яратилишга қадар

Одатда инсоннинг таржимаи ҳолини ўқиганингизда, у унинг туғилганидан бошланади ва унинг ота-онаси ёки оиласи ҳақида ҳам озроқ гапириб берилиши мумкин. Бироқ Исонинг таржимаи ҳоли вақт бўйича анча илгари бошланган. Аслида унинг таржимаи ҳоли вақтнинг пайдо бўлишидан олдин бошланган, чунки Муқаддас Китобда Исонинг илоҳий табиятга эга экани айтилади. У ҳақиқатдан ҳам Худо ҳисобланади. Сиз шундай деб ўйлашингиз мумкин: «Тўхтанг! Исо қандай қилиб Худо бўлиши мумкин? Ўзларини худолар деб ҳисоблайдиган одамларни одатда руҳий шифохонга жўнатишади». Исо Ўзини Худо деб айтганда, Уни шифохонага қамаб қўйишмаган. Бунинг ўрнига Уни ўлдириш учун хочга михлаганлар.

Исо – Муқаддас Уч бирликнинг бир қисмидир. Муқаддас Китоб, масиҳийлар учта шахсга эга битта Худони англатувчи “Уч бирлик” деб атайдиган Худо тимсоли ҳақидаги тасаввурни беради. Битта Худо учта турли ролларни бажаради. Битта Худо учта шахсдан иборатдир. Биз буни қуийдагича тасаввур қилишимиз мумкин:  $1+1+1=1$ . Бу ҳақиқатдан ҳам ҳеч ким охиригача тушуниб ета олмайдиган сир ҳисобланади. Уч бирлик Худо-Ота, Худо-Ўғил (Исо), Худо-Муқаддас Руҳдан ташкил топган. Муқаддас Китобда уларнинг алоҳида пайдо бўлишини кўрамиз, бироқ баъзи ҳолларда Уч бирликнинг барча учта шахси биргаликда гавдаланади. Масалан, бу ҳол Исонинг сувга чўмдирилиши пайтида содир бўлган. Биз Уч бирликнинг аъзолари бир-бирини севишини ҳам кўрамиз. Худо бизни Ўзининг ёлғизлиги учун эмас, балки Ўзининг севгисини баҳам кўриш учун яратган.

Шу билан бирга Худо қудратли (бу Коинотни яратиш учун керак бўлган хусусият), барча нарсани билувчи (У ҳатто бизнинг фикрларимизни ҳам билади) ва ҳамма жойда бор бўла оладиган (У бир пайтнинг ўзида ҳамма жойда бор бўла олади) Зот ҳисобланади. У муқаддас ҳамдир. Бу Унинг поклигини, Унинг гуноҳи йўқлигини ва У гуноҳга тоқат қила олмаслигини англатади. Аслида Худо бизнинг фикримизни ўқий оладиган, доим ёнимизда бўла оладиган ва бизнинг гуноҳларимизни кечирмайдиган қўрқинчли Худо бўлиши мумкин эди. Бироқ Худода яна бир жуда муҳим хусусият бор. Худо бу севгидир. У бизни яратган, бизнинг ҳар биримизни кучли севади ва биз билан шахсий муносабатларга эга бўлишни истайди.

Худо инсониятни яратишдан аввал бошқа мавжудотларни ҳам яратганини билиш муҳим. Биз Худонинг бошқа мавжудотларни қандай яратганини билмаймиз, бироқ биз У фаришталарни яратгани ҳақида хабардормиз. Фаришталар Худога хизмат қилиш ва сажда қилиш учун яратилган қудратли мавжудотлардир. Миллионлаб фаришталар мавжуд. Дастлаб Худо уларга Ўзига топинишлари учун ирода эркинлигини берган. Бир чиройли ва қудратли фаришта Худога қарши исён кўтарган. У мағрурликка берилган ва ўзига Худонинг буйруқ беришини истамаган. У ўзи худо бўлишга қарор қилган ва фаришталарнинг учдан бир қисми унга қўшилиб, Худога қарши чиққанлар. Худо бу исённи бостиришига ва уларни осмондан ерга

ҳайдашига тўғри келган. Ҳозирги пайтда улар ерда Худога ва Унинг яхши режаларига қарши ҳаракат қиласяптилар. Бу исёнкор фариштанинг исми шайтондир (иблис), бузилган фаришталар эса жинлардир.

Бошқа яхши фаришталар Муқаддас Китобнинг турли жойларида пайдо бўладилар. Биз уларни Микойил ва Жаброил номлари остида биламиз. Улар Худонинг элчилари ва жангчилари сифатида зоҳир бўладилар.

## **1-боб: Яратилиш ва сув тошқини**

Энди биз Муқаддас Китобнинг энг бошидан – дунёмизнинг яратилишидан бошлашга тайёрмиз. Худо айтди ва ҳамма нарса: коинот, сайёralар, денгиз, ўсимликлар, ҳайвонлар ва охирида одамлар бўшлиқдан пайдо бўлди. Худо буни айнан қандай рўёбга чиқаргани ва бунга қанча вақт кетгани ҳақидаги муҳокамага кўп китоблар бағишлиланган. Шунинг учун биз бунга вақт сарфламаймиз. Бироқ Муқаддас Китоб Уч бирликнинг учта шахси ҳам бунда иштирок этгани ҳақида гапиради: «Худонинг Руҳи юрарди», «Худо амр берган эди» ва ҳамма нарса ер юзида абадий Ўғил орқали пайдо бўлди. Инсон яратилган пайтда Худо Ўзи ҳақида “биз” деб айтади: «Энди инсон зотини яратайлик, улар Ўз суратимиздай, Ўзимизга ўхшаган бўлсин».

Худо биринчи одамларни, Одам Ато ва Момо Ҳавони яратган ва уларни Адан номли ажойиб боғга жойлаштирган. Худо улар билан бирга юрган ва гаплашган. Бу улар учун ажойиб вақт бўлган. Боғда “яхшилик ва ёмонликни билиш дарахти” ўстирилган. Одамлар учун бу дарахтнинг мевасидан ейиш таъқиқланган. Агар улар бу мевани еб кўрсалар, улар яхши ва ёмон нарсаларни биладиган бўлиб қолишлари ва бу итоатсизлик одамларнинг ўлишига сабаб бўлиши мумкин бўлган.

Бир куни Момо Ҳаво дарахт ёнида турган пайтда, унга илон яқин келиб, у билан гаплаша бошлабди. Яратилишнинг дастлабки пайтларида илонлар билан гаплашиш ғайриоддий ҳол бўлмаган бўлса керак. Ҳар холда Момо Ҳаво учун илоннинг ўзига нима демоқчи эканлигини билиш қизиқ туюлган. Илон аслида Худонинг огоҳлантиришини шубҳа остига қўйишга ҳаракат қилиб ва Момо Ҳавонинг таъқиқланган мевани еб кўришига ундан, уни вассвасага солаётган шайтон бўлган. Момо Ҳаво ўша мева жуда ейишши эканини кўргач, у мевани дарахтдан узиб олган, еб кўрган ва Одам Атога ҳам ейишга берган. Ўша заҳоти уларнинг кўзлари очилиб, яхши ва ёмон нарсаларни биладиган бўлиб қолишган. Улар ўзларининг гуноҳ қилганларини тушунишган ва Худодан яширинишга ҳаракат қилишган. Ўша пайтга қадар улар боғда яланғоч юрганлар ва буни ёмон деб ўйламаганлар. Бироқ энди улар ўз яланғочлигидан уяла бошлаганлар ва яширинишга ҳаракат қилишган. Улар ҳатто барглар билан ўзларига ёпинчиқ ясашга уринишган.

Худо улар билан бирга вақт ўтказиш учун келганда, У аллақачон нима содир бўлғанлигини ва одамлар Ундан яширинаётганини билган. Худо улардан: “таъқиқланган дарахтнинг мевасидан едиларингми?”, деб сўраганда, Одам Ато Момо Ҳавони вассваса қилганликда айبلاغан, Момо Ҳаво эса барча нарсада илонни айبلاغан. Ўша биринчи гуноҳнинг оқибатлари то ҳозирги кунга қадар сезилади. Бу оқибатларнинг энг оғири – бу ўлимдир ва шу сабабли энди ҳамма одамлар ўладиган бўлиб қолган. Ўша воқеа содир бўлмаганда, одамлар абадий яшаши мумкин эди, чунки Худо уларни бошида шундай қилиб яратган. Худо уларни итоатсизлик ўлимга олиб келиши ҳақида огоҳлантирган. Ўлимнинг бошқа оқибатлари – бу аёллар учун бола туғишининг машаққатли кечиши ва эркаклар учун ер юзида пешана тери билан

нон топиб ейиши бўлган. Бошқа сўзлар билан айтганда гуноҳ бу дунёга кириб келгандан сўнг барча яратилган нарсага лаънат тушган.

Бироқ Худо Одам Ато ва Момо Ҳавога умид берадиган (бизга ҳам), лекин шайтонни даҳшатга соган бир гапни айтган. Худо келажакда илон (шайтон) аёл боласининг товонини чақишини, лекин у илонни бошини мажақлаб ташлашини айтган. Шайтон бу башорат, ўзининг тўлиқ мағлубияти ҳақида эканини тушунганига ишонаман. Лекин бу мағлубият ким орқали амалга оширилади? Ўша пайтдан бошлаб шайтон ҳавотирга тушган ва бу одам ўзини ҳалок қилишидан аввал, фақат “чақиш” учун эмас, балки тўлиқ йўқотиш учун ўша одамни излаган. Биз сиз билан Исонинг келганини ва бу башоратни амалга оширганини биламиз.



**Илон Одам Ато ва Момо Ҳавони таъқиқланган дараҳт мевасини таътиб  
кўришлари учун васваса қилган**

Одам Ато ва Момо Ҳаводан сўнг инсоният тобора ахлоқсиз ва ёвуз бўлиб борган. Муқаддас Китобда уларнинг фақат ёмонликни ният қилишларини ва Худо одамни

яратгани учун афсуслангани айтилади. У бутун инсониятни уларнинг гуноҳлари учун жазолаш ва бутун инсониятни тӯфонда йўқ қилиш вақти келган деб қарор қилган. Шайтон бутун инсоният йўқ бўлса, хурсанд бўлиши мумкин эди. Бироқ Худо ер юзида битта одам ёмонликка қаршилик кўрсатганини ва солиҳ ҳаёт кечиришга ҳаракат қилганини пайқаган. Бу кишининг исми Нуҳ бўлган.

**Кемада Исо Масиҳнинг  
тимсолини кўришимиз  
мумкин. Худонинг Сўзига  
ишонгандар «тор йўлакдан  
кирадилар» (бу эса  
Масиҳдир) ва охирги замонда  
ҳукм вақтида ҳалок  
бўлмайдилар.**

Худо Нуҳнинг олдига келган ва унинг оиласи ҳамда ҳайвонларнинг ҳар бир туридан бўлган бир жуфти омон қолиши учун унга кема ясашни (маҳсус тузилишга эга катта қайик) буюрган. Нуҳ кемани кўп йил давомида қурган. Тӯфон вақти келганда эса, Худо ҳайвонларнинг ҳар бир туридан бир жуфтдан олиб келган. Ҳамма кема ичкарисига киргандан сўнг Худонинг Ўзи уларнинг ортидан эшикни ёпган. Токи сув ерни

кўммагунга қадар, ёмғир қирқ кеча-ю кундуз давомида ёқкан. Ердаги барча тирик жонзотлар ҳалок бўлган. Сув пасайгандан сўнг, кема Аарат тоғи чўққиларига тиралиб, тўхтаб қолган. Бу тоғ ҳозирги Туркия ҳудудида жойлашган.

Бутун ер юзини босган тӯфон кўп саволларни туғдиради. Бу ҳалокат содир бўлганлиги ҳақида бирорта далил-исботлар борми? Бу мавзуга доир кўп китоблар ёзилган. Бу ҳақида биз денгиз чиғаноқларининг қолдиқлари баланд тоғларнинг чўққиларида топилганини ва сайёрамизнинг учдан икки қисми сув билан қоплангани ҳақидаги қизиқарли далилни айтиб ўтишимиз мумкин, холос.

## **2-боб: Иброҳим Худога ишонган**

Вақт ўтиши билан Нуҳнинг фарзандлари туғилган ва улар яна ер юзини тўлдиришган. Яна ёмонлик кўпайиб борган. Одамлар Худога итоат қилиш ўрнига ўзлари хоҳлаган нарсани қилиб, ўзларининг худбин фикрлари билан яшаганлар. Бу сафар Худо битта оилани танлаб олишга ва у орқали – Ибромнинг оиласи орқали бутун дунёни баракалашга қарор қилган. Худо Ибромга Месопотамияда зоҳир бўлган ва унга ўз оиласини ва хизматкорларини олиб, узоқ мамлакатга боришини буюрган. Худо унга етакчилик қилишни ва йўл кўрсатишни ваъда қилган. Шунинг учун Ибром ўз нарсаларини йиғиштириб сафарга тайёрланган ва ўз хотини Сора, ўз отаси, жияни Лутни ва оиласининг бошқа аъзоларини бирга олиб йўлга тушган.

Ибром бугунги кунда Исроил деб аталадиган ерга етиб келган. У 99 ёшга кирганда, Худо Ибромга сон-саноқсиз катта насл беришини айтди. У шу билан бирга унинг исмини Иброҳимга ўзгартирган («кўп халқарнинг отаси» маъносини англатади). Эҳтимол, Иброҳим ўз ичидаги шундай деб ўйлаган бўлиши мумкин: «Бунинг ҳаммаси қандай қилиб содир бўлиши мумкин?» Гап шундаки, Иброҳим Сора билан фарзандли бўла олмаганлар.

**Кўп одамлар Иброҳимга, фарзанднинг туғилиши ҳақида хабар қилган меҳмон, Исо бўлган бўлиши мумкин дейдилар, чунки Исо ерда бўлган пайтда У “Отангиз Иброҳим мен келган кунимни кутиб, хурсанд бўлган эди”, деган.**

Бир неча йилдан сўнг Иброҳимнинг чодири ёнида учта меҳмон пайдо бўлди. Иброҳим уларнинг оддий меҳмонлар эмас эканини ва улар орасида Худонинг Ўзи зоҳир бўлганини тушунди. У уларнинг олдига югуриб борди, мук тушиб таъзим қилди ва улар унинг уйида тамадди қилиб олишларини сўради. Меҳмонлардан бири Иброҳимга бир йилдан сўнг шу вақтда унинг ўғилли бўлишини айтди. Сора бу сухбатни эшитди ва ичидаги кулди, чунки бу пайтда у 90 ёшда ва Иброҳим эса 100 ёшда эдилар. Улар фарзанд кўриш учун жуда кексайиб қолишган эди. Бироқ Худонинг Сўзи амалга ошди, мўъжиза содир бўлди ва уларнинг Исҳоқ исмли ўғли туғилди.

Шундай қилиб, Худо Иброҳимнинг оиласи орқали дунёни баракалаш учун уларни танлаган. Кейинги бир неча асрлар давомида шайтон Иброҳимнинг наслини қандай йўқотишга ва уларни Худога қарши қўйишга ҳаракат қилганини кўрамиз.

**Бу воқеа Эски Аҳдда Исога алоқадор энг ёрқин мисоллардан бири ҳисобланади. Иброҳим Худо-Отанинг бутун дунёнинг гуноҳи учун Худо-Ўғилни хочга михланиб қурбон бўлишига ижозат берганда, У нимани бошдан кечирганини Иброҳим кўрсатиб беради. Исо Ўз хочини кўтариб боргани каби Исҳоқ ҳам қурбонлик олови учун ўтиналарни ўзи билан кўтариб борди. Исҳоқ қурбонлик жойидан қочиб кетиш учун етарли даражада вояга етган бола эди**

**ва у Исо каби ўзини боғлашга рухсат берди ва қурбонлик қўзиси бўлишга рози бўлди. Ниҳоят, буталар орасида қўзининг пайдо бўлиши – бу Худонинг Ўзи қурбонликни етказганининг рамзидир... Худо гуноҳни ювиш ҳақидаги Ўз талабларини Ўзи бажаради.**

Бир неча йилдан сўнг Худо Иброҳимдан кутилмаган бир ишни бажаришини сўради. Худо Иброҳимнинг ваъда қилиб берилган ўғли Исҳоқни қурбонликка келтиришни сўради. Иброҳим Худонинг ваъдаларига шу қадар ишонганки, у Унинг иродасига бўйсунган. У Исҳоқни, ўтинни, пичоқни олган ва тоққа қараб йўл олган. У тоққа кўтарилишдан аввал ўз хизматкорларига: «Сизлар шу ерда – эшакнинг ёнида қолинглар. Ўғлим билан ҳов анави ерга борамиз-у, у ерда сажда қилиб, шу ерга қайтиб келамиз» - деб айтган. У қурбонлик қўзисининг йўқлигини пайқаган ўғли Исҳоқни тинчлантирган ва унга шундай деган: «Қурбонлик қилиб куйдириладиган қўзини Худонинг Ўзи беради». Иброҳим қурбонгоҳни тайёрлаган, Исҳоқни боғлаган ва уни қурбонгоҳдаги ўтинлар устига ётқизган. Иброҳим ўз ўғлини қурбонликка келтириш учун пичоқни кўтарган ўша охирги лаҳзада, Худо уни тўхтатиб қолди ва унга Исҳоқни ўлдирмасликни буюрди. Шу пайтда Иброҳим Худо тайёрлаб қўйган, буталар орасига ўралиб қолган қўзига қўзи тушди. Худо Иброҳимни ўз ўғлини, Худони деб қурбонлик қилишга тайёрлиги учун мақтади. Бу жуда ғайриоддий воқеадир (ахир, Муқаддас Китобда Худо одамларни қурбонликка келтиришга доир қадимги анъаналарга қарши гапирганини кўрамиз).



**Худо Иброҳимнинг Исҳоқни қурбонликка келтираётган пайтида уни тўхтатиб қолди**

Муқаддас Китобни ўқиш давомида биз Масих келиб чиқиши билан боғлиқ бўлган Исонинг аждодлари тарихини кузатамиз. Иброҳим ўғли Исҳоқнинг эгизак ака-ука фарзанди бўлган. Уларнинг иккисидан ҳам буюк халқлар келиб чиқсан, бироқ Худо кенжа фарзанд Ёқубга “Исройл” исмини берган. Ёқубнинг (Исройлнинг) 12 та ўғли бўлган ва бу ўғилларнинг оиласлари Исройлнинг 12 та қабиласини ташкил қилган. Юсуф ўз отасининг севимли ўғли бўлган, бироқ унинг ўн битта акаси унга ҳасад қилишган.

Бир куни Ёқуб Юсуфни ўз акаларидан хабар олиш учун юборган, бироқ улар ҳасад қилишгани учун уни чуқурга ташлашган. Шундан сўнг шу жойдан ўтиб кетаётган савдогарларга, Юсуфнинг акаси Яхудо уни йигирма бўлак кумушга сотган. Бу савдогарлар кейин Юсуфни Мисрга қул қилиб сотишган. Худо Юсуфни ноҳақлик билан зинданга ташлашган пайтда ҳам у билан бирга бўлган. Худо Юсуфга тушларни таъбир қилиш инъомини берган ва бир кун Юсуфдан фиръавн кўрган тушини таъбир қилиб беришини сўраганлар. Фиръавннинг туши мамлакатда етти йил яхши ҳосилдан сўнг етти йил қаҳатчилик бўлиши ҳақида Худодан келган огоҳлантириш бўлган. Фиръавн Юсуфни бутун Мисрда ўзидан сўнг иккинчи киши қилиб тайинлаб, уни мукофотлаган ва унга қаҳатчиликка тайёрланиш ишини топширган. Фалакнинг гардиши билан Юсуфнинг акалари унинг ҳукмронлиги остига тушиб қолганлар. Чунки улар озиқ-овқат излаб Мисрга келишларига тўғри келган. Юсуф ўз акаларини кечирган, отасини ва акаларини оиласлари билан Мисрга чақирган, чунки уларнинг юртида очарчилик ҳукмронлик қилган.


Биз Юсуфнинг ҳаётида Исонинг тимсолини кўрамиз. Исо ҳам Юсуфнинг ўз акаси Яхудо томонидан кумушга сотилгани каби ўз дўсти Яхудо томонидан кумуш эвазига хиёнат қилинган. Улар Юсуфга қарши ёмонликни ният қилган бўлсаларда, Худо буни яхшилик томонга бурган ва кўп одамларнинг ҳаётини сақлаб қолган. Бу воқеа, Худо яна бир марта мўъжиза билан Исо аждодларини қирилиб кетишдан асраб қолиши эди.

### **3-боб: Ваъда қилинган ерга қандай қилиб қайтиб бориш керак?**

Кейинги 400 йил давомида Ёқубнинг ўғиллари Мисрда яшаганлар ва уларнинг сони икки миллион одамга етган. Бу мисрликларни ташвишга соглан, чунки исроилликлар мамлакатдаги ҳокимиятни босиб олиш қудратига эга бўлишган. Шунинг учун улар исролликларни қулларга айлантиришган ва шафқатсиз эза бошлаганлар. Исроил оипалари кўпайишда давом этган, шунинг учун Миср фиръавни туғилган барча ўғил чақалоқларни ўлдиришишга қарор қилган. (Эътибор беринг: агар фиръавн шайтонни ўлдиromoқчи бўлган наслни ўлдиришишга муваффақ бўлганда, шайтон хурсанд бўлар эди). Бироқ исроил доя аёллари (акушер аёллар) фиръавннинг талабини бажаришни рад қилишган. Улар Мусо исмли бир чақалоқни яширишишга муваффақ бўлишган ва бола омон қолган. Мусо вояга етган ва Мисрдан сахрога қараб қочиб кетиб, у ерда чўпонлик қила бошлаган.

Мусо сахрода кўп йилларини ўтказган, бироқ бир куни ёниб турган бута орасидан унга Худо зоҳир бўлган ва унга Мисрга қайтишни буюрган. Мусо Фиръавн олдига бориб шундай дейиши керак бўлган: «Ҳалқимнинг кетишига ижозат бер!» Мусо Мисрга қайтиб борган. Фиръавн исроилликларни қуллиқдан озод қилишни рад қилганда эса, Худо мисрликларга касалликлар, курбақа офати, чигиртка офати, зулмат, дўл офати ва бошқа фалокатларни юборган. Худо энг даҳшатли фалокатни юбормагунга қадар фиръавн қайсарлик қилишда давом этган. Ўлим фариштаси Миср устидан ўтган ва ҳар бир оиласда тўнғич эркак зотини нобуд қилган. Бироқ бу жазо исроиллик оиласарга тегмаган, чунки улар бегуноҳ қўзининг қонини уйларининг эшиклари кесакларига суртганлар. Ўлим фариштаси бу қонни кўриб уларнинг уйларини четлаб ўтган. Охирида фиръавн Исроил ҳалқининг кетишига рухсат берган ва улар ўзларининг аждоди Иброҳимга Худо ваъда қилган ерга кетишиган. Шу кундан бошлаб, то ҳозирги кунга қадар яхудийлар Фисих байрамини нишонлайдилар.

**Бу ерда биз Худонинг нафақат Ўз ҳалқини  
Мисрдаги қуллиқдан халос қилганини,  
балки бу вазиятни келгусидаги  
авлодларни халос қилиш тимсоли  
сифатида ишлатганини кўрамиз:  
Муқаддас Китобда Исони кўпинча  
«қурбонлик қўзиси» деб аташади. Исога  
ишонгандар исроилликлар каби  
гуноҳнинг қуллари ҳисобланмайдилар ва  
ўз гуноҳлари учун ўлимдан озоддирлар.  
Худо уларда Исонинг қони белгисини  
кўриб, четлаб ўтади ва уларга абадий  
ҳаёт беради.**



### **Исроилликлар биринчи Фисиҳ байрами куни ўз эшикларининг кесаклариға қонни суртганлар**

Барча миср түнгич фарзандларининг ўлимига сабаб бўлган охирги жазодан сўнг фиръавн икки миллион исроилликларга Мисрни тарқ этишига ижозат берган. Мусо йўлбошлиги остида улар саҳро томонга қараб йўлга тушганлар. Худонинг Ўзи шахсан кундузи устун шаклидаги булат ичидаги ва кечаси устун шаклидаги аланга ичидаги уларнинг олдида юриб, йўлларини ёритиб, йўл кўрсатиб борган. Албатта, шунча кўп сонли одамлар учун саҳрова озиқ-овқат ва сув топиш қийин ҳисобланади. Исроилликлар шикоят қила бошлаганлар ва улардан баъзилари ҳатто орқага, Мисрга қайтишни истаб қолганлар, бироқ Худо улар ҳақида ғамхўрлик қилган. Худо мўъжиза йўли билан улар учун ер юзига ҳар куни тонгда сув ва нон етказган. Улар бу нонни “манна” деб аташган.

Улар Синай тоғига яқин келишганда Мусо тоққа кўтарилиган ва Худонинг халқ учун Қонунини олган. Бу Қонун “бошқа худоларга сажда қилмаслик” ва ўзи учун бут ясамаслик”, “Худонинг исмини сустеъмол қилмаслик”, “ўғирлик қилмаслик”, “одам ўлдирмаслик” кабилардан иборат ўнта амрни ўз ичига олган. Худо Ўз халқига қандай яшашни кўрсатган.

Худо одамларнинг ҳамма бу қонунларни бажара олмасликларини ҳам билган ва уларга Ўзидан, қандай кечирим сўрашлари учун йўл-йўриқ берган. Одатда бирорта нуқсонга эга бўлмаган ҳайвонни қурбонликка келтириш, унинг қонини тўкиш ва ҳайвон танасининг бир қисмини оловда ёндириш талаб қилинган. Бир неча асрлар

давомида Худо халқининг кечирим излаётганини англатувчи минглаб айвонлар қурбонликка келтирилган. Бу биз учун шафқатсизлик бўлиб туюлиши мумкин, чунки айбиз берора ҳайвонларнинг қони тўкилган. Бироқ Худо Исонинг кейинчалик амалга оширадиган ишига Ўз халқини тайёрлаш учун шу манзарани яратган. Исо бегуноҳ ҳаёт кечирган, сўнг эса У ҳамма одамлар учун, дунёning барча гуноҳи учун ўлдирилган. Масихнинг қурбонлигидан сўнг ҳайвонларнинг қурбонлиги бошқа талаб қилинмайди.

Исо таржимаи ҳоли билан боғлиқ яна бир эсда қоладиган воқеа сахрода содир бўлган. Истроилликлар учун сахро орқали ўтиш қийин бўлгани сабабли улар бир куни ўз ҳаёти ҳақида шикоят қилганлар ва Худо улар орасига заҳарли илонларни юборган. Одамлар кечирим сўрай бошлаганлар ва Худо Мусога мисдан илон ясашни ва уни узун ходага ўрнатишни айтган. Мусо бу илонни баланд кўтарган ва Худога ишонганлар мис илонга қараганлар ва ўз ҳаётларини сақлаб қолганлар, ундан юзини ўғирганлар эса ўлган. Бу воқеада ҳам биз Исонинг хочдаги рамзини кўрамиз. Худога, Унинг Ўғлига ва Унинг хочдаги ўлимига ишонган ҳар бир киши Унинг ҳаётига эга бўлади, бироқ буни рад қилганлар эса руҳий ўлик бўлиб қолаверадилар.

Одамларнинг итоатсизлиги ва норозилиги сабабли Худо Иброҳимга бир неча юз йил аввал ваъда қилган ерга, истроил халқи кириш учун тайёр бўлмагунларига қадар уларни 40 йил сахрода дарбадар юришга мажбур қилган. Мусо вафот этган ва Худо Ёшуани бу ерни босиб олиш учун истроилликларга йўлбошчилик қилишга даъват қилган. Жанг бошланишидан аввал Ёшуага Худо қўшинининг сардори кўринган ва Ёшua унинг олдида ерга йиқилиб таъзим қилган. Бу воқеада биз Худонинг инсонга зоҳир бўлиши билан боғлиқ яна бир ҳодисани кузатамиз. Бу Исонинг Ўзи – Худонинг Ўғли бўлиши мумкин.

#### **4-боб: Абадий ҳукмронлик қиласидиган шоҳми?**

Худонинг ва бир нечта мўъжизалар ёрдами билан Истроил халқи Ваъда қилингандан Ерни забт этишга ва унга жойлашишга муваффақ бўлдилар. Бироқ бир нечта авлодлар ўтгандан сўнг одамлар, Худо ўзлари учун нима қилганини унутдилар ва қўшни қабилаларнинг худоларига сифинишни бошладилар. Одамлар ҳар сафар шундай қилганларида, Худо Истроилга қарши душманларни юборди. Бундай пайтларда Истроил Худога яна қайтиб келган ва Ундан душманлардан ҳолос қилишини сўраган ва Худо уларга йўлбошчи (ҳакам) берган. Бу йўлбошчи қўшинга бошчилик қилган ва Истроилни озод қилган. Бу тақорланиб келадиган жараён шундай кўринишга эга бўлган: одамлар гуноҳ қилишган – душман ҳужум қилган – одамлар ибодат қилишини бошлаган – Худо ҳолос қилган ва ҳар сафар шундай тарзда тақорланган.

Охирида истроилликлар шундай дейишган: «Бизнинг устимииздан шоҳ қўй, бошқа халқларда бўлгани каби у бизга ҳукмронлик қилсин». Биринчи шоҳ Шоул жуда камтар инсон бўлган, бироқ кейинчалик у Худодан узоқлашиб кетган. У жангда ҳалок бўлгандан сўнг Худо Истроилга йўлбошчилик қилиш учун Довуд исмли бошқа шоҳни танлаган. Довуд панд беришига ва ҳатто, зино ва қотиллик қилишига қарамасдан, у доим Худога қайтиб келган ва Ундан кечирим сўраган. У ўзининг бутун ҳаёти давомида Худога сажда қилишга аталған қўшиқлар басталаган, Мусога берилган Худо Қонунини бажаришга ҳаракат қилган ва ҳатто, Худо учун чиройли маъбад қуришни истаган. Худо Довудни «Ўз кўнглига мос» деб топган.

Сўнг Худо Довудга ажойиб ваъда берган. Худо унинг сулоласи абадий давом этишини: Довуднинг ўғли таҳтда абадий ҳукмронлик қилишини унга ваъда қилди! Воажаб! Бу қандай содир бўлади? Самодаги Худонинг Ўғли бўлган Исо бу дунёда туғилишини ва Довуд авлодидан бўлишини Худо айтиб ўтди. Исо абадий ҳукмронлик қиласидиган Шоҳ ҳисобланади. Худо келгусида келадиган Нажоткор Иброҳим, Исҳоқ ва Ёқубнинг наслидан бўлишини илгари айтган ва бу сафар У Нажоткорнинг Довуд оиласидан келиб чиқишини айтиб, башоратга янада аниқлик киритган.



### **Шоҳ Довуднинг авлодидан келиб чиққан Шоҳ таҳтда абадий ҳукмронлик қиласи**

Албатта, шайтон бу маълумотни эътиборсиз қолдира олмаган. Довуднинг невараси Рахабом таҳтни йўқотишига бир баҳя қолган. У Худодан юз ўғирган ва ўз фуқароларига шафқатсиз муносабатда бўлган, шунинг учун Исройил Довуднинг наслидан бўлганлар таҳтга ўтиришини истамаган. Мамлакатда фуқаролар уруши бошланган ва бунинг натижасида иккита қабила – Яхудо (Довуд қабиласи) ва Бенямин қабилалари Рахабомга содик қолганлар. Ўнта қабила эса ўзлари учун, Исройлнинг қолган қисмига ҳукмронлик қилиши учун янги шоҳни танлаганлар.

Исройил тарихида Довуднинг авлоди тақдири қил устида турган яна бир воқеа содир бўлган. Оталиё исмли ёвуз қиролича она ҳокимиятни тортиб олишга ва таҳтнинг ҳамма ворисларини ўлдиришга қарор қилган. Унинг режаси қарийб рӯёбга чиққан, бироқ олий руҳоний Ёҳайидо шоҳ оиласидан бўлган боланинг ҳаётини сақлаб қолган ва уни маъбадда етти йил давомида яширган. Бола етти ёшга кирганда, уни халққа шоҳ сифатида кўрсатишган! Довуднинг насли омон қолган.

## **5-боб: Масиҳ келаяптими?**

Исроилда шоҳларнинг ҳукмронлиги даврида, Худо одамларга пайғамбарлар орқали гапирган. Пайғамбарлар исроил ҳалқининг гуноҳлардан юз ўгиришлари ва Худога келишлари ҳақида огоҳлантирганлар. Улар яна буюк ҳалоскор келаётгани ҳақида ҳам гапирганлар. Ибронийчада ҳалоскор сўзи “Машиах” деб айтилади, бу сўз сўзма-сўз “мой суртилган” маъносини англатади. Ўша пайтларда шоҳнинг тайинланиши маросимида унинг бошига зайдун мойи суртилган ва шу йўл билан у шоҳлик қилиш хизматига тайинланган. Кейинчалик, юонон тили кенг қўлланила бошлиши билан одамлар мой суртиб хизматга тайинланган кишини “Масиҳ” деб атай бошлаганлар. Биз “Исо Масиҳ” деб айтганимизда, баъзи одамлар Исо исм, Масиҳ эса фамилия деб ўйладилар. Бироқ аслида биз “Исо, дунёни қутқариш учун Худо томонидан мой суртиб тайинланган” деб айтамиз.

Пайғамбар Ишаё Масиҳ келиши ҳақида кўп башоратлар ёзган. У Масиҳни шоҳ сифатида эмас, балки азоб-уқубат чекувчи хизматкор сифатида келишини ҳамда Масиҳ бизнинг гуноҳимизни Ўзига олишини, жазоланишини ва бизни кечиримга сазовор қилишини башорат қилган. Ишаё яна Масиҳнинг бокира аёлдан туғилишини ҳам башорат қилган. У Масиҳдан аввал Масиҳнинг келишига тайёрланишлари кераклиги ҳақида гапирган буюк пайғамбар келишини ҳам айтган. Пайғамбар Михо ҳатто, Масиҳ туғиладиган шаҳарнинг номини: шоҳ Довуднинг она шаҳри Байтлаҳмни ҳам айтиб ўтган.

Муқаддас Китобда Масиҳнинг биринчи ва иккинчи келиши ҳақида башоратлар мавжуд. Бунинг натижасида кичик чигалликлар вужудга келиши мумкин, чунки баъзи башоратлар икки минг йил аввал Исонинг ер юзига хизматкор сифатида келишини айтади. Бироқ У иккинчи келишида Шоҳ сифатида келишини ваъда қилган. Шунинг учун кўпчилик яхудийлар Масиҳни бутун дунёниг гуноҳи учун ўладиган хизматкор сифатида эмас, балки шоҳ сифатида келишини кутганлар. Уларда Масиҳнинг биринчи ва иккинчи келишига доир тушунмовчилик пайдо бўлган.

Пайғамбарлар томонидан ёзилган китобларда ва Эски Аҳднинг бошқа китобларида, олимлар Масиҳнинг ер юзига келиши ҳақида қарийб 40-50 та башоратларни топишган. Улар Исонинг келишидан юзлаб йиллар илгари ёзилган ва бу Нажоткор айнан ким бўлишини аниқлашга ёрдам берадиган кўрсаткич бўлиб хизмат қилган. Албатта, шайтон уларнинг ҳар бири ҳақида билган, бироқ у ҳамма нарсадан хабардор эмас, шунинг учун у Масиҳ келишининг аниқ вақтини ва Довуд наслидан айнан ким Масиҳ бўлишини билмаган. Кимdir қуидагича ўйлаши мумкин: “Балки бу умуман башорат эмасдир. Балки бу башоратларнинг ҳаммаси Исонинг туғилишидан сўнг ёзилган ва улар гўёки илгаридан ёзилгандек қилиб кўрсатилган бўлиши мумкин”. Бунинг мутлақо имкони йўқ, чунки Эски Аҳд ва башоратлар

иброний тилида ёзилган ва сўнг эрамиздан аввалги учинчи асрда юон тилига таржима қилинган. Шу йўл билан барча башоратлар Исонинг туғилишидан камида бир неча асрлар аввал ёзиб қўйилган.

## **6-боб: Сургунда**

Пайғамбарлар нафақат Масиҳнинг көлишини башорат қилганлар, балки улар бутларга сифинишни ва бошқа одамлар билан виждонсизларча муносабатда бўлишни давом эттиришни тўхтатмасалар, одамларни жазо көлиши ҳақида ҳам огоҳлантирганлар. Бу барча башоратлар рўёбга чиққан. Биринчидан, исроил шоҳларининг қонунсизлиги мамлакатнинг Исроил ва Яхудо шоҳликлариға бўлинишига сабаб бўлган. Вазият Оссурияning Исроил ҳудудига бостириб кирмагунича ва исроилликларни асирга олмагунигача ёмонлашиб бораверган. Бир неча йиллар ўтгандан сўнг бобилликлар ҳам яхудий халқи билан шундай қилган. Худонинг халқи тарқатиб юборилган ва қулликка олинган.

Муқаддас Китоб Худога содик қолган сургундаги Исроил халқининг тарихини ёритиб беради. Масалан, Бобилда Яхудиялик асиrlар бобил худоларига сифинишлари керак бўлган. Бу Худо амрларининг биринчисига зид эди. Учта ёш яхудийлар шоҳ томонидан ўрнатилган бутга сифинишни рад этганлар, шунинг учун улар жазо сифатида оловли чуқурликка ташланганлар. Бу чуқурлик шу даражада қаттиқ қиздирилганки, унинг тафти боғланган яхудийларни чуқурга ташлаётган шоҳнинг одамларини ёндириб юборган. Бироқ шоҳ чуқурнинг ичига қараганда, учта одам олов ичидан зарар кўрмаган ҳолда юриб турганини, уларнинг орасидаги тўртинчи одам “худди илоҳий зотга ўхшаш” эканини кўрган. Эҳтимол, бу Эски Аҳдда Исонинг, Худо Ўғлининг яна бир марта зоҳир бўлиши ҳодисасидир. Учта ёш яхудий озод қилинган ва шундан сўнг бобил шоҳи Исроил Худосига сифина бошлаган.



### **Учта яхудий қизиб турған чуқур ичидан соғ-саломат ва бешикаст чиқиб келишган**

Сургун вақтида Исройл халқы ва Довуд наслини қириб юбориши мүмкін бўлган яна бир воқеа содир бўлган. Форс империяси жуда қудратли кучга айланган ва Бобилни босиб олган. Форс шоҳи Ахашвераш янги малика қидирган вақтда чиройли барно қизларнинг танловини ўтказишни буюрган ва ўзига гўзал яхудий қизи бўлган, Эстерни танлаб олган.

Шоҳ маслаҳатчиларидан бири бўлган Хомон исмли сарой аъёни яхудийлардан нафратланган ва хийла йўли билан шоҳни уларни қириб ташлаши ҳақида буйруқ чиқаришга мажбур қилган. Эстер шоҳга Хомоннинг ҳийласини кўрсатиш учун устомонлик билан режа ўйлаб топган ва шоҳдан ўзи ва ўз халқи учун шафқат сўраган. Шоҳ ўз буйруғини бекор қила олмаган, бироқ Хомонни халқ олдида қатл

қилдирған ва яхудийлар ўзларини ҳимоя қила олишлари ва қирилиб кетишдан омон қолишлари учун чора ўйлаб топган.

Пировардида, күплаб яхудийларга уйига қайтишга рухсат берилған. Бошқа форс шоҳи Кир яхудий халқига раҳм қилған ва истаганлар учун Қуддусга қайтишга ва маъбадни, шаҳарни ва Қуддус деворларини тиклашга рухсат берған. Муқаддас Китоб Худо халқининг ўз юртига биринчи қайтишини ёритиб беради.

Охирги пайғамбар Малаки, Масих туғилишидан 400 йил аввал ёзған. Малакидан сўнг Худо Ўз халқи билан Исо туғилгунга қадар пайғамбар орқали гапирмаган.

## **7-боб. Худонинг Ўғли бизнинг дунёга келаяпти**

Вақт келди! Худонинг Ўғли осмондаги тахтидан тушиб ва чақалоқ бўлиб ерда пайдо бўлиши вақти келди. Бу “мужассам бўлиш”, яъни У “инсон қиёфасига кирди” маъносини англатади. Бу буюк сир ҳисобланади. Худо Ўзини инсон танасида зоҳир қилди. Муқаддас Китоб бизга бу ҳақида нима дейди? Биринчидан, бу буюк камтарлик ҳаракати бўлган. Худонинг Ўғли кўплаб илоҳий кучлардан воз кечган бўлсада, лекин У барибир юз фоиз Худо ҳисобланади. У мўъжизалар содир қилиш, гуноҳларни кечириш, саждани қабул қилиш ва ҳакозо ишларга қодир бўлган бўлсада, лекин айни пайтда у юз фоиз инсон ҳисобланади. У Марям исмли яхудий қизидан, оддий жисмоний йўл билан туғилди. Бироқ У ердаги отанинг иштирокисиз она қорнида пайдо бўлди. Мужассам бўлиш Муқаддас Рухнинг иштирокида содир бўлди. Шунинг учун Исо ҳақиқатан, Худонинг “Ўғли” бўлган. Шу билан бирга Исо биз ҳис қиласидиган қўрқувларни, муаммоларни ва васвасаларни бошдан кечирган, лекин У бирор марта ҳам гуноҳ қилмаган.

Муқаддас Китоб Исони тарихнинг энг мувофиқ бўлган пайтида келганини ҳам айтади. Бундан бироз вақт илгари, Исонинг даврида юонон тили кўпчилик халқлар учун муомала қилишнинг ягона тилига айланган. Рим империяси тинчлик ва бирликни сақлаб туриш орқали ўзига тегишли бутун ҳудудда ўз тартибини ўрнатган (Pax Romana). Римликлар бутун империя бўйлаб йўлларнинг катта тизимини ташкил қилган ва унинг ҳимоясини таъминлаган. Бу янгиликлар ва маълумотлар, илгариги даврларга қараганда тезроқ тарқалишига ёрдам берган.

Марям Исо, Худонинг Ўғли туғилиши учун танланган ёш қиз бўлган. Фаришта Жаброил унга зоҳир бўлди ва унга бу янгиликни айтди, у ҳали бокира бўлгани учун саросимага тушиб қолди. Жаброил унга Худонинг Рухи бу мўъжизани содир қилишини тушунтириди.

Яна бир муаммо шундан иборат бўлганки, Марям Юсуф исмли дурадгорга унаштирилган бўлган. У Марямнинг ҳомиладор эканини билганда, бу никоҳни тинч йўл билан бекор қилиш керак деб қарор қилган, чунки у ўзини бу боланинг отаси әмаслигини билган. Бироқ Юсуфга бошқа фаришта зоҳир бўлган ва Марямни ўз никоҳига олишдан қўрқмасликни, бу бола Муқаддас Рухдан эканини айтган. Юсуф Марямга уйланган, бироқ улар бола туғилгунга қадар яқин алоқадан сақланганлар.

Бу пайтга келиб, римликлар рўйхатга олишни ўтказиш учун ҳамма оилалар ўзларининг туғилган шаҳарларига қайтишлари ҳақида қарор чиқарганлар. Марям ва Юсуф Носирада яшаганлар, бироқ рўйхатга олишда қатнашиш учун улар ўзларининг она шаҳрига қайтганлар. Марям ва Юсуф Носирада яшаганлар, бироқ уларнинг рўйхатдан ўтиш учун Байтлаҳмга боришларига тўғри келган. Улар шоҳ Довуд наслига тегишли бўлишган, Байтлаҳм эса Довуднинг она шаҳри ҳисобланган.

Улар манзилга етиб келгандариди, Марямнинг ой-куни тўлган. Лекин улар шаҳар меҳмонхоналариди жой йўқлигини тушунишган. Шунинг учун улар бир молхонадан жой топганлар ва ўша ерда Марям Масихни дунёга келтирган ва чақалоқни охурга ётқизиб қўйган. Улар Унга фаришта айтганидек “Исо” исмини қўйишишган. Бу исм ибронийча сўздан олинган бўлиб, “нажот бериш” маъносини англатади, чунки Исо одамларни гуноҳдан қутқариш учун келган.

Байтлаҳмнинг шундай оддий жойида дунёning Нажоткори туғилишини қарийб ҳеч ким билмаган. Бироқ Худо бир неча кишига бу сирни очиб берган. Бу янгиликни биринчи бўлиб эшигланлар, ўша тунда яйловдаги сурувини қўриқлаётган чўпонлар эди. Худони “Фалак тоқидаги Худога шарафлар бўлсин, Худодан марҳамат топган ердаги бандаларга тинчлик келсин!” деб улуғлаётган сон-саноқсиз фаришталардан иборат само лашкари пайдо бўлган. Улар чўпонларга Нажоткор туғилганини ва Унинг охурда йўргакланган ҳолда ётганини айтишган. Улар ўша пайти ўзларининг сурувини қолдириб чақалоққа эҳтиром бажо келтириш учун йўлга тушганлар.



**Чўпонлар чақалоқ Исога эҳтиром бажо келтиришаяпти**

Худо туғилиш сирини яна Шарқлик мунаҗжимларга ҳам ошкор қилган. Улар ўз китобларига кўра буюк шоҳнинг туғилишини англатадиган осмондаги ёрқин юлдуздан пайқаганлар. Улар туғилган шоҳ учун қимматбаҳо совғалар тўплаганлар

ва юлдуз томонга қараб йўлга тушганлар. Улар Исройл пойтахти Қуддусга етганларида, шу юртнинг ҳукмдорига, шоҳ Ҳиродга буюк шоҳ қаерда туғилганини сўраб мурожаат қилганлар. У диний йўлбошчиларни тўплаган ва улар Ҳиродга ва мунахжимларга Михонинг башорати – Байтлаҳмда Масиҳнинг туғилиши ҳақида гапириб берганлар.

Ҳиродга мамлакатда (ўзидан ташқари) яна бир шоҳ бўлиши ҳақидаги фикр ёқмаган. У айёр одам бўлиб Байтлаҳмга мунахжимларни юборган ва уларга ортга қайтишда “ўзи ҳам бориб, Унга таъзим” қилиши учун, топилган чақалоқ ҳақида хабар қилишларини буюрган. Лекин аслида у бу болани ўлдиришни режа қилган, бу эса шайтонни жуда хурсанд қилиши мумкин эди. Бироқ мунахжимлар болани топиб ва унга таъзим қилиб бўлгач, улар Ҳирод олдига қайтмаслик учун тушларида фариштадан огоҳлантириш олганлар, шунинг учун улар ўз юртига бошқа йўл билан қайтиб кетганлар.

Шоҳ Ҳирод ўзининг алданганини тушунгандан сўнг у ғазабга минган. У шоҳ чақалоқни излаб топиш ўрнига Байтлаҳмда икки ёшдан кичик бўлган ўғил болаларни қиличдан ўтказишни буюрган, чунки юлдуз осмонда биринчи марта икки йил аввал пайдо бўлган. Фаришта яна Юсуфнинг тушида хавф ҳақида огоҳлантирган, шунинг учун у ўз оиласини олиб ўз вақтида Мисрга қочиб кетган.

Исо ва Унинг оиласи Ҳироднинг ўлимига қадар Мисрда қолганлар. Сўнг оила Носира шахрига қайтиб боришга қарор қилган. Муқаддас Китоб Исонинг болалиги ва ўсмирлиги даври ҳақида кўп маълумотга эга эмас. Биз ўн икки ёшида Қуддусга қилинган сафар пайтида йўқолиб қолгани ҳақида биламиз. Уни уч кун қидиришган ва қонуннинг муаллимлари билан жиддий диний баҳслар юритаётган ҳолда, маъбадда топишган. Ўша пайтдаёқ ҳамма Унинг чуқур билимига ҳайрон қолишган.

## **8-боб: Исонинг чўмдирилиши – иблис Исони васвасага солди**

Худонинг 400 йиллик сукунатидан сўнг чўлда Худонинг Каломини ваъз қиласиган Яхё исмли киши пайдо бўлди. У одамларни ўз гуноҳларида тавба қилишга ва Худонинг келиши учун ўз қалбларини тайёрлашга даъват қилиб, уларни Иордан дарёсида чўмдирди. Одамлар шундай деб сўрай бошладилар: “Бу одам Масиҳми?” Яхё жавоб бериб: “Йўқ, бироқ ҳаммага эълон қилувчи овозман: Худога йўл ҳозирланглар. Масиҳ менинг ортимдан келаяпти ва мен Унинг чориқларини кўтариб юришга ҳам арзимайман” – деган.

Ўша пайтда Исо ўттиз ёшга тўлган ва У дунёни гуноҳ ва шайтон ҳокимииятидан халос қилишдан иборат, Ўз вазифасини бошлашга тайёр эди. Биринчи навбатда У Яхё олдига бориб чўмдиришдан ўтди. Яхё Исонинг Масиҳ эканини тушунган ва ўзи Исодан чўмдириш олиши кераклигини айтган! Бироқ Исо ўз фикрини ўзгартирган ва У сувдан чиққанида осмондан овоз келган: “Бу Менинг севикли Ўғлимдир, Ундан ниҳоятда мамнунман”. Муқаддас Рух Исонинг устига капитар шаклида тушиб қўнган. Бу Муқаддас Китобдаги энг таъсирли ҳодисалардан бири бўлиб, унда биз Муқаддас Учликнинг, бир жойнинг ўзида учта шахсининг иштирокини кўрамиз.



**Исонинг чўмдирилиши**

Энди иблис “үз бошини янчиши” ҳақида башорат қилингандык Зот ўша Исо эканини аниқ билди. Бунга йўл қўймаслик учун Иброҳимнинг авлодини, сўнг Довуддинг наслини қириб ташлашга бўлган уринишлардан сўнг, у ўзининг ҳокимииятига хавф солаётганни жазолашга қарор қилди. Бу сафар иблис панадан чиқди ва ишни ўз кўли остига олди.

Чўмдиришдан сўнг Муқаддас Рух Исони чўлга олиб келди, у ерда Исо 40 кун рўза тутди. Ўша ерда иблис Исо билан юзма-юз учрашди. Унинг мақсади Исони гуноҳ қилишга мажбур қилишдан иборат эди. Чунки шундай ҳолда Исо бошқа одамларнинг гуноҳи учун ўлиш имконига эга бўла олмасди. Исо рўзадан сўнг оч қолди ва иблис тошларни нонга айлантиришни таклиф қилиб, Уни васвасага солди. Бироқ Исо Эски Аҳддаги оятни ишлатиб, бу таклифни рад қилди: “Инсон фақат нон билан эмас, балки Худонинг оғзидан чиқкан ҳар бир сўз билан яшайди”. Сўнг шайтон Исони Қуддусдаги Маъбаднинг энг юқори жойига чиқарди. Бу сафар у Исони Худо ўлимдан сақлаб қолишини исботлаш мақсадида, У ўша ердан сакраши учун васвасага солди. Ҳатто иблиснинг ўзи ҳам Муқаддас Каломдан парча келтириб фойдаланди: “У сен тўғрингда фаришталарига амр беради, Оёғинг тошга қоқилиб кетмасин дея, фаришталар қўлларида Сени кўтариб боради”. Исо рад қилиб, шундай дейди: “Эганг Худони синама”. Нихоят, иблис Исломга дунёнинг барча шоҳликларини кўрсатди ва Исонинг ўзига сажда қилиши эвазига уларни Унга беришини айтди. Исо рад қилди ва яна Муқаддас Китобдан оятни келтирди: “Эганг Худога сажда қил, фақат Унга хизмат қил”. Шундан сўнг иблис Исони тарқ этди, Исонинг олдига эса фаришталар хизмат қилиш ва мустаҳкамлаш учун келдилар. Энди Исо одамларга хизмат қилиш учун тайёр бўлди.

## 9-боб: Устоз (Муаллим) Ўз шогирдларини танлайди

Исога ер юзида бўлганида Унга кўп исмлар беришди. Бироқ кўпинча уни “Устоз” деб чақиришди, бу сўз “муаллим” маъносини англатади. Муқаддас Китобда Исога одамлар 90 марта мурожаат қилишган бўлса, шулардан 60 тасида улар Исони “устоз” деб чақиришди. У одамларга синагогаларда (ибодат уйларида) шанба кунлари таълим берди. У айниқса, одамлар бор бўлган жойларда: уйларда, денгиз бўйларида, йўллар ёқасида, тоғларда таълим берди.

Ўша пайтларда устоз ўз ортидан эргашиб юрадиган ва ундан ўрганадиган шогирдлар гурухини йиғиши кенг тарқалган амалиёт эди.

Исо ўз ортидан эргашилари учун бир нечта одамларни даъват қилиб, ўз хизматини бошлади. Даствабки тўртта шогирд Носирадан узоқ бўлмаган Жалила кўлида балиқ тутадиган балиқчилар эди. Улар Бутрус ва Эндрус (ака-укалар) ва Ёкуб ва Юҳанно (улар ҳам ака-укалар) эдилар. Ўша пайтда Жалиладаги балиқчилар юқори ижтимоий мавқега эга эмас эдилар, бироқ Исо уларнинг кейинчалик қандай кишилар бўлишини кўра олди. У уларни балиқ овлаш ишини ташлашларига даъват қилди, чунки улар Ўзи билан бирга “инсон овчилари” бўлишлари керак эди.



Исо Ўзининг дастлабки шогирдларини даъват қиласяпти

Исо даъват қилган яна бир ўзига хос шогирд – бу солиқ йиғувчи Матто эди. Ўша даврда рим томонидан босиб олинган Истроилда яхудийлар римликлар учун ишладилар ва улар учун солиқ йиғдилар. Уларга солиқни зиёди билан йиғиб олиш ва ортиқасини ўзига қолдиришга рухсат берилган эди. Уларнинг босқинчиларга бўлган содиқлиги ва очкўзлиги сабабли ҳамма яхудийлар уларни ёмон кўрдилар. Бироқ Исо Маттони Ўзининг шогирдларидан бири сифатида танлади.

Бир куни Исо тунни ибодат билан ўтказгандан сўнг, Ўзи учун шогирдликка ўн икки кишини танлаб олди. Бутрус, Эндрус, Ёқуб, Юҳанно ва Маттодан ташқари қолган еттита шогирдлар ҳақида бизда кўп маълумот йўқ. Тўма эгизак эди. Шимўн Рим ҳукмронлиги билан ашаддий курашган яхудийларнинг ватанпарвар гуруҳига тегишли эди. Шимўн ватнапарвар ва солиқ йиғувчи Матто дарҳол дўст бўлишмаганини тасаввур қилишимиз мумкин. Исонинг шогирдлари орасида Филип, Бартоломей, Халфей ўғли Ёқуб, Ёқуб ўғли Яҳудо ва хоинлик қилган Яҳудо Ишқариёт бор эди. Исо ўн иккита шогирд Ўзининг хизматини “ҳаворийлар”, элчилар сифатида давом эттиришлари учун уларга маҳсус таълим берди.

Бироқ Исонинг яна бошқа кўп шогирдлари бор эди. Бир куни У турли шаҳарларга ваъз қилиши ва Ўз номи билан шифо бериши учун етмишта шогирдни юборди. Муқаддас Китоб яна Унинг орқасидан эргашган аёллар ҳақида ҳам эслаб ўтади. Исо қишлоқдан ўтаётганда опа-сингиллар Уни уйга меҳмонга таклиф қилишди. Магдалалик Марям еттита жинга чалинган аёл эди. Исо унга шифо бериши билан у Исонинг ортидан эргашди. Исонинг онаси Марям ҳам Исога ишонди ва Уни молиявий таъминлаб турган бошқа давлатманд аёллар каби Унинг издошига айланди. Фарзийлар яхудий диний йўлбошчилар эдилар. Улар Исога хасад қилишди ва Унинг Масих эканига ишонмадилар. Шундай бўлсада, ҳеч бўлмаганда Никодим исмли битта фарзий Исога ишонганини биламиз.


**Юсуф ҳақида нима дейиш мумкин? Муқаддас Китобда Исонинг отаси бўлган Юсуф ҳақида, Исонинг болалигидан сўнг тилга олинмайди. У бу пайтга келиб вафот қилган бўлиши мумкин деб тахмин қилинади. Шунинг учун Марям ва Юсуф акс эттирилган расмларда у кўпинча кекса киши сифатида кўрсатилади.**

## **10-боб: Ажойиб! У мўъжизалар яратди**

Исо Ўзининг уч ярим йиллик хизмати давомида кўп мўъжизаларни кўрсатди. Бу одамлар учун У оддий инсон эмас, балки Худонинг Ўғли эканининг тасдиги эди. Биринчи ёзиб қолдирилган мўъжиза Исо Ўзининг онаси ва 12 та шогирди билан таклиф қилинганди Кана номли қишлоқдаги никоҳ тўйи пайтида содир бўлди. Никоҳнинг тугашидан аввал тўй эгаларининг шароби тугаб қолди (бу тўй эгаси учун катта шармандалик ҳисобланар эди). Марям Исога ёрдам сўраб мурожаат қилди. Исо унга Ўзининг ҳали мўъжиза яратиш пайти келмаганини айтди, лекин кейин У мўъжиза йўли билан тош хумлардаги сувни жуда яхши шаробга айлантирди.

Исо шу билан бирга кўп одамларнинг турли касалликларига шифо берди. Ўн киши мохов деб номланган тери касали билан Унинг олдига келишди. Бу касалликка чалинганлар ўша пайларда шаҳардан узоқда яшашлари ва одамларга яқинлашмаслиги керак эди. Исо дарҳол ўнта касалнинг ҳаммасини шифолади. Яна бир сафар эса Исо одам кўп йигилган уйда таълим бераётган эди, шунинг учун тўрт киши ўзларининг шол бўлиб қолган дўстини, юқоридан Исо олдига тушириш мақсадида уй томидан тешик очдилар. Бемор бутун умр шолликка чалинган одам эди. Исо уларнинг ишончини кўриб унга шифо берди. Бу шифо топган одам, тўшагини олиб уйига кетди. Бир аёлнинг ўн икки йил давомида тўхтамаган қон кетиш муаммоси бор эди. Исо халқ томонидан ўраб олинган пайтда бу аёл аста Унинг кийимиға қўл тегизди ва дарҳол шифо топди. Исо кўрларга, шолларга ва кўплаб бошқа касалликларга шифо берди. Бир куни римлик аскар ўз уйидаги хизматкорига Исонинг шифо беришини сўради. Исо шифо ваъда берган пайтда узоқдаги хизматкор ҳам шифо топди.

Мазкур шифолашлар бир неча асрлар илгари Ишаё томонидан башорат қилинди ва у шундай деб ёзди: «Ўша пайтда кўрларнинг кўзлари очилади, карларнинг кулоқлари эса эшитади. Чўлоқ ҳам оҳудай сакрайди, соқов тил шодлиқдан ҳайқиради».



### Исо шол бўлган одамга шифо бераяпти

Бундан ташқари Исо одамлардан ёвуз жинларни ҳайдаб чиқарди. Биз Магдалалик аёлдан Исонинг еттита жинни қувиб чиқарганини аллақачон айтиб ўтдик. Бир куни Исо Гераса ҳудудига сузиб борди. Исони қирғоқда жинга чалинган, қабристон ғорларида яшайдиган бир кийимсиз одам қарши олди. Унинг ичидаги кўп жинлар бўлгани учун у ўзини “Тумонат” деб атади. Ёвуз руҳлар Исонинг Худо Ўғли эканини билди ва жуда қўрқиб кетди. Исо уларни (улар иблисга эргашган фаришталардир) “жаханнам”га юбормаслигини сўраб ёлвордилар. Бунинг ўрнига Исо уларни ўша атрофда ўтлаб юрган чўчқа подасига ҳайдади. Чўчқалар подаси тик қияликдан кўлга ёпирилиб тушиб, чўкиб кетди.

Исо нафақат касалликлар ва жинлар устидан, балки шу билан бирга ўлим устидан ҳам ҳокимиятга эга эди. Бир куни Исо Наин деган шаҳарга келди, у ерда У бева аёлнинг вафот этган ёлғиз ўғлини олиб чиқаришаётганини кўриб қолди. Исонинг унга раҳми келди ва унинг ўғлини тирилтириди. Бошқа бир сафар Исонинг олдига Яир исмли синагога оқсоқолларидан бири келди ва Ундан қизига шифо беришини сўради. Бироқ Исо унинг уйига етиб бормасидан аввал қиз ўлиб қолди. Исо уйга кирганида у ерда одамлар қизнинг ўлими учун дод-фарёд қилиб йиғлаётган эдилар. Исо уларга йиғламасликни ва “қизча ўлмаганини, унинг ухлаб ётганини” айтди. Одамлар қизчанинг ўлганини билгани учун Исонинг устидан кула бошладилар. Шундан сўнг Исо қизча ётган хонага кирди ва уни тирилтириди.

Исо амалга оширган охирги буюк мўъжизалардан бири, бу Унинг ўлган ва тўрт кун қабрда сақланган дўсти Лазар эди. Исо қабристон оғзига қўйилган тошни олишларини буюрди. Бироқ Лазарнинг опаси Марта Лазарнинг ўлганига аллақачон тўрт кун ўтганини ва жасаднинг ҳидланиб қолганини айтиб эътиroz билдириди. Бироқ Исо ўз фикрини ўзгартирмади ва буюрди: “Лазар, ташқарига чиқ!” Шу пайт ҳамма жойи кафанга ўралган Лазар ҳаммани ҳайратга солиб, қабрдан тирилиб чиқиб келди.

Албатта, бу мўъжизалар ҳақидаги янгиликларнинг тобора тарқалиши натижасида, янада кўпроқ одамлар Исони кўришни истар эдилар. Баъзи одамлар Унга ишонишарди, бошқалар эса шунчаки мўъжизани кўришни хоҳлардилар. Бир куни Исо хизматининг бошланишида Исони кўришни ва Унинг таълимотини эшлишини истаган 5000 дан ортиқ одам (аёллар ва болалардан ташқари) тўпландилар. Улар Исо билан кун давомида бирга бўлдилар ва У одамларнинг ейишга озиқ-овқати йўқлиги ҳақида хавотирлана бошладилар. Шунинг учун У шогирдларига шаҳарга боришни ва одамлар учун егулик сотиб олишни айтди. Шогирдлар эътиroz билдириб, 5000 кишини тўйдириш учун ўзларида қандай егулик борлигини сўради. Эндрус бешта нон ва иккита балиғи бор болани топди. Исо одамларни тўда-тўда бўлиб майсалар устига ўтиришини айтди. У нон ва балиқларни олиб шукrona дуосини ўқиди ва шогирдларга уни ўтирганларга тарқатишни буюрди. Шу кичик зиёфатда ҳаммага овқат етди ва тўйиб овқатланишди. Шундан сўнг эса шогирдлар яна 12 та саватда ортиб қолган нон бурдаларини йиғиб олдилар. Кейинчалик Исо 4000 кишидан иборат оломонни овқатлантириб, бу мўъжизани яна такрорлади.

Муқаддас Китобда Исо қай тарзда табиат кучларини идора қилиши ҳақидаги воқеалар мавжуд. Масалан, шогирдлар қайиқда Жалила кўлини сузиб ўтишлари пайтида Исо уларни кутиб олиш учун сув устида юриб келди. Яна бир сафар кучли бўрон бошланганда, Исо улар билан бирга қайиқда бўлди. Ўша пайтда кўпчилиги тажрибали балиқилар бўлган шогирдлар, чўкиб кетамиз деб ўйлаб жуда қўрқиб қолишлиди. Исо ўрнидан туриб бўронга тинчланишни буюрди ва кўл шу заҳоти

тинчланди. Бир куни Исо Бутруснинг қайиқларидан бирида туриб, одамларга таълим берди, сўнг эса У Бутрусга қайиқда қирғоқдан узоқ бўлмаган жойга сузид боришни ва тўрни сувга ташлашни айтди. Бутрус: «Устоз, биз тун бўйи астойдил ҳаракат қилдик, лекин ҳеч нарса тутолмадик. Аммо сиз айтганингиз учун тўр ташлаймиз», деб жавоб берди. Улар ҳаммасини Исо айтгандек қилганларидан сўнг, улар шу қадар кўп балиқ тутдиларки, ҳатто тўр иплари ҳам узила бошлади. Муқаддас Китоб Исо амалга оширган кўплаб бошқа мўъжизалар ҳақида гапириб беради. Ҳаворий Юҳанно шундай деб ёзди: «Исо яна кўп бошқа ишлар қилган. Булар бирма-бир ёзиб чиқилганда эди, ёзилган китоблар оламга ҳам сиғмас эди, деб ўйлайман».

## **11-боб: «Кимнинг эшитар қулоғи бўлса эшитсин!»**

Исо Устоз, диний “муаллим” сифатида машхур эди. Унинг таълимоти янги ва мураккаб ғоялардан ташкил топганди, бироқ ҳатто оддий одамлар ҳам уни тинглашни яхши кўрардилар. У ўша даврнинг бошқа муаллимларига ўхшамас эди, У ҳақиқий ҳокимияти бор киши каби таълим берарди. У қонунни таълим берганда, У нафақат уни тушунтиради, балки Худога ўзини бағишлишнинг мутлақо янги даражаси ҳақида ҳам гапиради.

Исо одамларнинг мустақил фикрлашни ўрганишларини истарди. Кўпинча одамлар Унинг олдига келишар ва қўйидаги каби саволлар беришарди: «Тавротдаги қайси амр энг буюк?» У эса бу саволга савол билан жавоб берди: «Сен нима деб ўйлайсан?» У қандай «юқоридан туғилиш» ёки «абадий чанқамайдиган сувдан ичиш» каби ғайриоддий фикрларни айтиб, одамларнинг қизиқишини уйғотди. Шундан сўнг одамлар кўпроқ билишни истадилар. У шундай деди: «Кимнинг эшитар қулоғи бўлса эшитсин!»

Бу кичик китоб Исонинг бутун таълимотини ўз ичига сифдира олмаслиги мумкин, лекин сиз бу ҳақида тўртта Хушхабар китобларида (Матто, Марк, Луқо ва Юҳаннода) кўпроқ ўқишингиз мумкин. Исо Ўзининг ким бўлгани ҳақида кўп таълим берди. У Ўзининг ким эканлигини таништирувчи сўзлар билан бошлади.

- «Мен яхши чўпонман. Яхши чўпон қўйлари учун жонини фидо қиласди».
- «Мен тирилиш ва ҳаётдирман. Менга ишонган одам ўлса ҳам яшайди».
- «Мен йўл, ҳақиқат ва ҳаётман».
- «Мен осмондан тушган ҳаётбахш нондирман. Бу нон худди Мусо даврида осмондан тушган манна нонга ўхшайди».
- «Мен ва Отам бирмиз», «Мени кўрган одам Отани кўрган бўлади» ва бошқалар.

Бир куни Исо Ўз шогирдларини синамоқчи бўлди. У улардан: «Одамлар Мени ким деб билади?», деб сўради. Улар: «Баъзилар Сени қадимги пайғамбарлардан бири, деб айтиб юрибдилар», деб жавоб беришди. Шунда Исо сўради: «Сизлар-чи, Мени ким деб биласиз?» Ҳаворий Бутрус ҳамма учун жавоб бериб деди: «Сен Масиҳсиз, Барҳаёт Худонинг Ўғлисан!» Исо унга шундай деб жавоб берди: «Сен баҳтлисан, ... Ахир, бу сирни сенга инсон эмас, балки осмондаги Отам очиб берди».

Исо Худо Шоҳлиги (Осмон Шоҳлиги) ҳақида ҳам таълим беришни яхши кўрарди. Бу Шоҳликнинг иккита жиҳати бор: биттаси - «бу унинг ҳозир мавжудлиги» ва иккинчиси «бу келажакда келишидир». Исо дастлаб Ўзига эргашадиган одамлардан иборат Шоҳликка асос солиш учун ерга келди. Бу Шоҳлик ҳозирги вақтга қадар мавжуд бўлиб келмоқда. Бироқ бу Шоҳликнинг жисмоний чегаралари, ҳукмдорлари, қўшинлари йўқ – бу руҳий шоҳлиқдир. Бу Шоҳлик Исони Ўз Шоҳи деб биладиган

турли мамлакатлар ва халқларнинг одамларидан ташкил топган. Лекин шу билан бирга бу дунёning охиридан сўнг, ҳақиқатдан ҳам Шоҳ ҳукмронлик қиладиган “келажак” Шоҳлик ҳам бор.

Исо Шоҳлик ҳақида таълим берганда, У руҳий маънога эга масаллардан, ҳар кунлик ҳаётдан олинган қисқа воқеалардан фойдаланаарди. Мана шундай масаллардан бири қуидагидир:

*«Осмон Шоҳлиги нодир марварид излаётган бир савдоғарга ўхшайди. Савдоғар қимматбаҳо марваридни топганда, бор-ўғини сотиб, марваридни харид қилибди».*

Бу масал Осмон Шоҳлигининг бир қисми бўлиш ва Исломга эргашишни, ҳамда Осмон Шоҳлиги биз ҳозир эга бўлган нарсалардан анча қимматлироқ эканини англатади. Бошқа бир масал хўжайиннинг ўз уйини хизматкорлари назоратига қолдириб, узоқ сафарга жўнаб катгани ҳақидаги воқеани гапириб беради. Хўжайн узоқ вақт сафардан қайтмади, шунинг учун хизматкорлар ялқов бўлиб қолишиди ва ўз мажбуриятларини бажармай қўйишиди. У қайтиб келган пайтда ғазабланди ва ўз хизматкорларини жазолади. Исо Ўз шогирдларига Ўзининг жўнаб кетганидан сўнг содик бўлишлари кераклигини айтди, чунки У бирор кун қайтиб келади ва ерда Ўзининг абадий Шоҳлигини ўрнатади.

Бошқа масаллар Худонинг инсонлар билан муносабатларини, У уларни қандай яхши кўришини тушунтиради. «Дарбадар ўғил» ҳақидаги масал отаси ҳаёт бўлган вақтида, ўзига тегишли бўлган меросни олган ва ахлоқсиз ҳаётга ҳамма пулини исроф қилиш учун узоқ мамлакатга жўнаб кетган йигит ҳақида сўзлаб беради. У ўз мулкини сарфлаб бўлгандан сўнг, унинг дўстлари йигитни ташлаб кетдилар. Йигит муҳтоҷлиқда яшар экан, чўчқаларни боқиш учун ишчи бўлиб ёлланди ва ўша ерда чўчқалар ейдиган овқатни ейишига тўғри келди. У ўз уйига қайтиб боришга ва отасидан унинг уйида ёлланма ишчи бўлиб ишлашни сўрашга қарор қилди. Унинг отаси ўғлини доим кутди ва узоқдан ўғлининг келаётганини кўриб, унинг олдига югуриб борди ва унга янги тўн кийдирди ва унинг шарафига катта байрам ташкил қилди. Бу масалдаги ота каби Худо ҳам Ўз фарзандлари билан шахсий муносабатда бўлишни истайди, одамлар Унинг олдига қайтиб келишларини кутади.



**Ота ўзининг дарбадар ўғлини хурсандчилик билан уйида кутиб олди.**

Шогирдлар Исонинг ким эканлигини тушуниб ва Худо Шоҳлиги ҳақида кўпроқ билиб борганлари сари Устоз уларга яна бир мавзуни: Ўзининг азоб-уқубатлари, ўлими ва уч кундан сўнг тирилиши ҳақида гапириб беришни бошлади. Дастьлаб Бутрус Исога бу ҳақида гапиришни таъқиқлашга ҳаракат қилди. Шогирдлар бу ҳақида эшитишни истамадилар. Бироқ Исо Бутрусга шундай жавоб берди: «Йўқол кўзимдан, шайтон!», чунки шайтон Исони бутун дунёning гуноҳи учун ўлишини истамаган эди. Бу унинг бутун инсониятни қул қилишдан иборат режаларининг барбод бўлишини англатар эди.

Бир куни шогирдлар Қуддусдаги маъбаднинг гўзаллигидан мафтун бўлиб турганларида Исо шундай деди: «Мана бу маъбадни бузинглар, Мен уч кун ичида уни тиклайман». Бу имконсиз иш эди! Чунки маъбад 46 йил давомида қурилган эди. Бироқ Исо маъбаднинг қурилиши ҳақида эмас, балки ўладиган ва учинчи кун тириладиган Ўз танаси ҳақида гапирди.

## **12-боб: Нима учун Исони ҳамма қабул қилмади?**

Агар Исо шундай ажойиб шифо мұйыжизаларини амалға оширди, одамларга Худони билишни ва Унинг Шоҳлигининг бир қисми бўлишни ўргатган бўлса, у ҳолда нима учун баъзи одамлар Унга қарши бўлишди ва ҳатто, баъзилар Унинг ўлимини ҳам исташди? Биз илгари қўрганимиздек, ҳақиқий душман шайтон эди. У Исонинг инсониятни қутқариш ва шайтон ҳокимиятини ағдаришга қаратилган вазифасини бажаришига йўл қўймаслик учун қўлидан келган барча уринишларни қилди. Энг бошидаёқ шайтон Исони йўқ қилишга ҳаракат қилди ва одамларни, ҳатто Исонинг шогирдларидан бирини ҳам Унга қарши қўйиш учун ўз ҳокимиятини ишлатди.

Исога қарши турган одамларнинг асосий гуруҳи яхудийларнинг диний йўлбошчиларидан иборат эди. Бошқарувчи кенгаш олий кенгаш деб аталар эди. Унда фарзийлар ва саддуқийлардан ташкил топган иккита асосий гуруҳ мавжуд эди. Фарзийлар яхудийларнинг қонунини бажаришга қаттиқ амал қилишарди ва римликларга қарши кайфиятда эди. Саддуқийлар ғайритабиий нарсаларга эътибор бермас эдилар, бироқ улар римликлар билан ҳамкорликда манфаат бор деб ҳисоблардилар.

Римликлар Олий Кенгашга Истроил диний ҳаёти бошқаруви билан шуғулланишига рухсат берди. Бу эса Олий Кенгашнинг нуфузга ва ҳокимиятга эга бўлишига имкон яратди. Олий Кенгаш кезиб юрувчи носиралик ваъзхонга ўзларининг нуфузи билан ўртоқлашишни истамадилар. Улар Исога қарши туришларининг асосий сабабларидан бири – бу ҳасад эди. Исо ҳалқ орасида ҳаддан ташқари машҳурга айланди, натижада, уларнинг Исога қаршилиги кучайиб борди.

Бундан ташқари, фарзийлар Исони Қонунни бузувчи деб ҳисоблардилар. Мусо томонидан берилган қонундан ташқари фарзийларнинг “Мишна” номли яна бир китоби бор эди. Бу китобда Худо талаб қилганидан ташқари ҳар куни қонуннинг амалда қўлланилишининг батафсил рўйхати берилганди. Уларнинг шанба кунига доир қонунлари кўпчиликка яхши маълум эди. Мусонинг қонунига кўра шанба куни дам олиш куни, ишламайдиган кун бўлиши лозим эди. Лекин нима иш ҳисобланади, нима дам олиш ҳисобланади? Улар ўйлаб топган қонунлардан бирига кўра агар киши уй устидаги томда ўтириб ўроғлиқ қофозга ёзилган битикларни ўқиётган бўлса ва ўроғлиқ қофозни ўраб олиш учун энкайса, у ҳолда бу ҳаракат иш ҳисобланарди. Шунинг учун киши ўроғлиқ қофоз устига тош қўйиб, уни ўраб олиш учун навбатдаги кун қайтиб келиши лозим эди. Уларнинг шанба куни даволаш, қанча вазнданги юкни ташиш, қанча масофани юриш ва ҳоказо ҳатти-ҳаракатлар ҳақидаги қоидалари мавжуд эди. Фарзийлар кўп сонли қоидаларга амал қилишлари сабабли ўзларининг муқаддаслиги билан ҳам жуда мағуруланардилар. Агар улар учун бу қоидани бузиш

зарур бўлиб қолганда, бунга ечим топишда улар «мутахассис» бўлишарди, чунки улар қонунни айланиб ўтиш учун доим имкон қидириб топа олардилар.

Исо доим инсонлар томонидан ўйлаб топилган диний қонунларни бузди. У одамларга шанба куни шифо берди. Масалан, У қаддини ростлай олмайдиган икки букилиб қолган аёлга шифо берди. Яна бир сафар У юра олмайдиган одамга шифо берди. Исо унга: «Ўрнингдан тур! Тўшагингни олиб, уйингга бор!», деб айтди. Фарзийлар ногирон одамнинг мўъжиза билан шифо топганига эътибор бермадилао. Бунинг ўрнига улар ногироннинг шанба куни ўз тўшагини кўтариб кетганига жаҳли қилди.



### **Исо букири аёлга шанба куни шифо бермоқда**

Исони яна Унинг «нопок» одамлар билан муносабати учун танқид қилишди. Фарзийлар ўзлари «гуноҳкор» деб ҳисоблаган одамлар билан ёки яхудий бўлмаганлар билан алоқа қилишмасди. Улар бундай одамларга тегина олишмас ёки уларнинг уйига кира олмас ва бирга овқатлана олмасдилар. Бироқ Исо бунинг ҳаммасини қилдм ва Унинг бу ҳаракати Уни фарзийлар олдида қонунбузар қилиб кўрсатди. Исо уларга Қонунни бекор қилиш учун эмас, балки бажариш учун

келганини айтиб жавоб берди. Бу жуда мұхим жиҳат ҳисобланади ва бу ҳақида яна кейинроқ гаплашамиз.

Олий Кенгаш Исога қарши қўйган яна бир айб – бу Худога шак келтириш эди. Исо Ўзини Худо билан тенглаштирди. Баъзи одамлар Исонинг Худо эканлигини очик айтмаганлигини таъкидлашади. Бу тўғри, бироқ У шундай деб айтди: «Мени кўрган Отамни кўрган бўлади» ва «Мен ва Отам бирмиз». У одамларнинг Ўзига сиғинишларига ижозат берди. (Анча кейин, Вахий китобида муаллиф фариштага сажда қилганида, унга фақат Худо саждага лойиқлигини айтиб, дакки берилган). Исо одамларнинг гуноҳлари кечирилганини айтди. Бу «фақат Худонинг Ўзи гуноҳларни кечириши мумкин» деб айтувчи диний йўлбошчиларни ранжитиди.

Диний йўлбошчилар бир неча марта Исонинг ҳаётига суиқасд қилишди. Агар Исо хочга етиб бормаганда шайтон жуда хурсанд бўлар эди, бироқ Исо ҳар сафар Ўзини улардан олиб қочарди. Бир куни Носирадаги ибодатхонада Исо келгусида келадиган Масихнинг ишлари ҳақида пайғамбар Ишаъё китобидан бир парча ўқиди. У оятни ўқиб бўлгандан сўнг шундай деди: «Сизлар эшитган бу калом шу бугун бажо бўлди». Исо бу кичик шаҳарда яшаб улғайганди, шунинг учун одамлар Унинг Ўзини Масих деб атагани учун шу қадар ғазабланишдик, Уни жарликка ташлаш учун тепаликнинг четига олиб боришиди, лекин У уларнинг орасидан ўтиб, Ўз йўлига кетди. Яна бир сафар одамлар Уни тошбўрон қилиш учун тош тера бошладилар, лекин ўша вазиятда ҳам Исо уларнинг чангалидан қутулиб қолди. У Ўзининг ердаги хизматининг охирида одамлар Уни доим кузатиб юргани ва У ҳақида Олий Кенгашга хабар қилгани учун эркин ҳаракатлана олмай қолди. Исо Ўзининг тез орада ўлишини билса-да, лекин бу Худонинг режаси ва Худонинг белгилаган муддатида содир бўлиши керак эди.

Лазарнинг Исо томонидан мўъжиза билан тирилтирилиши Исо учун ўлим ҳукмини очик-ойдин қилиб қўйди. Мазкур мўъжиза Қуддусдан узоқда бўлмаган Вифанияда содир бўлди. Кўп одамлар Лазарнинг ўлими учун аза тутиб йигилишиди, шунинг учун бу мисли кўрилмаган мўъжизанинг гувоҳлари ҳам кўп бўлди. Диний йўлбошчилар бу ҳақида эшитганларида, улар Исонинг ўлиши кераклиги ҳақидаги қарорга келишди. Шу билан бирга улар Лазарни ҳам ўлдиришни истадилар. Нимага асосланиб улар шундай қарорга келишди? «Буни давом этишига йўл қўйсак, ҳамма Унга ишониб кетади. Римликлар келиб, Маъбадимизни ҳам, халқимизни ҳам хонавайрон қиласилар».

Олий кенгаш яна бир қарорни қабул қиласиди: «Бутун халқ ҳалок бўлгандан кўра, битта одам халқ учун ўлиши яхшироқ-ку!»

## 13-боб: Охирги ҳафта

Исо ҳаётининг охирги ҳафтаси ҳақида жуда кўп ёзилган. Аслида Муқаддас Китобда бу муҳим ҳафтанинг («Қизғин ҳафта» тъерифи) Исо ҳаёти ҳақидаги тарихнинг учдан бир қисмини эгаллайди. Шу ҳафтада энг асосий яҳудий байрами - Фисиҳ байрами ўтказилган. Яҳудийлар маъбади Қуддусда жойлашганлиги сабабли байрамга келган одамлар кўпчиликни ташкил қиласди. Ҳамма битта саволни берарди: «Диний йўлбошчилар Исони ҳибсга олишни истаётганларига қарамасдан, Исо байрамга келадими?»

Фисиҳ байрамидан олдин якшанба куни Исо шаҳарда пайдо бўлди. У Қуддусга хўтиқ миниб кириб келди. Катта оломон Уни қутлаб қарши олди ва «тасанно» деб ҳайқирди. Бу сўз «Худо қутқаради» маъносини англатади. Одамлар дараҳт шоҳларини кесиб олиб, уларни силкитиб турдилар, бошқалар эса Исонинг йўлига тўнларини поёндоz қилиб тўшадилар. Йўлбошчилар алам билан: «Қаранглар, бутун дунё Унинг ортидан бормоқда», дейишиди. Исо маъбадга келганда яҳудийлар учун сифиниш жойи бўлиши керак бўлган ҳовлида (қурбонлик учун) ҳайвонларни сотаётган савдогарларга дуч келди. Исо хонтахталарни ағдариб юборди ва у ердан савдо-сотиқ билан шуғулланаётган ҳаммани қувиб чиқарди. У: «Менинг уйим Ибодат Уйи бўлади. Сизлар эса Худонинг уйини қароқчилар уясига айлантириб юборяпсизлар», деди.

Исо Қуддусдан узоқ бўлмаган жойда, дўстларининг уйида тунаб қолди. Лекин у ҳар куни Ўз шогирдлари билан Маъбадга қайтиб келар ва Маъбаднинг ҳовлисида таълим берар эди. Шаҳар бутун дунёдан келган одамлар билан гавжум эди. Диндор раҳнамолар Исони ҳибсга олишни жуда истадилар, бироқ улар оломоннинг қаршилигидан қўрқди.

Кутилмаганда улар учун ўзлари ўйламаган имконият туғилди. Исо шогирдларидан бири бўлган Яҳудо Ишқариёт диндор йўлбошчилар олдига келиб, Исони ҳибсга олиш учун Уни қаерда тутиб олиш мумкинлиги ҳақида маълумотни таклиф қилди. Улар ўзаро келишув туздилар ва Яҳудо улардан ўттиз кумуш танга олди.

Анъанавий Фисиҳ байрамининг овқатланиш вақти келганда, Исо ва Унинг шогирдлари болохонали уйда байрамни нишонлаш учун тўпландилар. Бу уйда шогирдларнинг кир оёқларини ювиши мумкин бўлган хизматкорлар йўқ эди, шунинг

Эслаймиз: **Ўлим фариштаси истроилликларни четлаб ўтиши ва ўз оилаларининг хавфсизлигини таъминлаш учун, истроилликлар қўзини қурбонлик қилганлар ва қўзининг қонини эшикларининг тепасига суртдилар.** Шу пайтдан бошлаб фисиҳ биринчи марта Мисрда нишонлана бошлади.

**Шу воқеадан сўнг истроилликлар Мисрдаги куллиқдан озод бўлдилар.**

учун Исо сувни ва сочиқни қўлига олди ва Ўз дўстларнинг оёқларини юва бошлади. Исо шогирдларнинг хизматкори эмас, балки Устози бўлгани учун Бутрус Исо унинг оёғини ювишини истамади! Бироқ Исо шундай деб жавоб берди: «Агар оёқларингни ювмасам, Менга қарашли бўлмайсан». Исо шу ҳаракати орқали Ўз издошлари ҳам, бошқа одамларга хизмат қилишлари керак эканини тушунишларини истади.

Фисих байрами овқати жуда рамзий эди. Унинг ҳар бир қисми исроилликларнинг Миср қуллигидан озод бўлган пайтидаги даврдан бирор нарсани англатарди. Исо бу овқатланиш маросимига яна бир рамзни киритди. У нонни қўлига олиб, уни Ўз шогирдлари учун синдириладиган Ўз танаси деб атади. У нонни бўлиб, Ўз шогирдларига берди. Сўнг У шароб солинган косани қўлига олди ва уни улар учун тўкиладиган Ўз қони деб атади. У ҳар бир киши ича олиши учун косани дастурхон атрофидагиларга навбат билан узатди. У ер юзида улар билан Фисих байрамини охирги марта нишонлаётганини ва келгуси сафар Худо Шоҳлигига улар билан бу байрамни нишонлашини айтди. Исо уларни тарқ этганидан сўнг, улар Унинг қурбонлиги ҳақида эслаб туришлари учун нон ва шаробни тановвул қилиб туришларини айтди. Бугунги кунда кўпчилик жамоатлар Қутлуғ кечлик шаклида бу анъянани давом эттириб келмоқдалар.

Овқатланиш пайтида Исо Ўз шогирдларидан бири Унга хиёнат қилишини айтиб уларни ташвишлантириб қўйди. Уларнинг ҳар бири: «Бу мен эмасми, Раббий?» деб билишни истади. Исо фурсат келганда Яҳудога: «Қиласиганингни тезроқ қил», деб айтди.

Кечки овқатдан кейин Исо ва Унинг шогирдлари Қуддус яқинидаги Гетсимания боғида сайр қилдилар. У Ўзи билан бирга ибодат учун учта шогирдини – Бутрусни, Ёкубни ва Юҳаннони эргаштириб олди. Исо уларнинг Ўзи билан бирга ибодат қилишларини истади, лекин улар доим ухлаб қолавердилар. Исо Ўзининг ибодати вақтида Ўз азоб-уқубати ва ўлими вақти яқинлашганини тушунди. У яқинлашаётган қайғудан кучли қийналгани сабабли Ундан оқкан тер ерга томаётган қон томчиларига ўхшаб кетарди.

Тез орада боқقا Исони асир олиш учун аскарлар ва диний йўлбошчилар етиб келишди. Яҳудо Устозини ўпмоқчи бўлиб яқинлашди ва шу орқали келганларга Исони кўрсатди. Бутрус Исони ҳимоя қилиш учун қиличини чиқарди, лекин Исо унга қиличини олиб қўйишни буюрди ва Ўзини аскарларнинг қўлига топширди.

Дастлаб Исони Олий кенгаш олдига олиб бордилар. У ерда Унга қарши турли айблар қўйилди. Гувоҳлар орасида бирлик йўқ эди, бироқ Исо Ўзини ҳимоя қилишдан бош тортди. Нихоят, олий руҳоний Исога деди: «Бизга айт, Сен

**У ибодат қилишни тугатаётган пайтида фаришталар тушиб келиб, Уни мустаҳкамладилар (худди васвасадан сўнг Исони сахрова қувватлагани каби).**

Масиҳмисан?» Исо унга жавоб берди: «Ўзларингиз Менинг кимлигимни айтдингизлар; Бундан буён сизлар Инсон Ўғлини Қодир Худонинг ўнг томонида ўтирганини ва осмон булутларида келаётганини кўрасизлар».

Уларнинг фикрига кўра бу ҳақиқатан Худога шак келтириш ҳисобланарди. Исо Ўзини Худо билан тенглаштиргани учун У ўлимга лойиқ эди. Бироқ Истроил Рим ҳокимияти остида бўлгани учун фақат римликлар ўлим жазосини тайинлаши мумкин эди. Шунинг учун улар Исони Рим ҳокими Пилат ҳузурига олиб бордилар. Пилат яхудий бўлмагани учун, у яхудийлар учун «нопок» ҳисобланарди. Шунинг учун диний йўлбошчилар Исони сўроқ қилиш мақсадида ичкарига олиб киришганда, улар сарой ташқарисида қолишли. Исо айбловларга жавоб бермади ва тез орада Пилат яхудий йўлбошчиларнинг Исога ҳасад қилаётгандарини тушунди. Исо ўлимга лойиқ бўлган бирор иш қилмаганди. У бу вазиятдан чиқишда, шоҳ Ҳирод таъсир кўрсатиши учун Исони унинг ҳузурига жўнатди. Исо Ҳирод олдида Ўзини ҳимоя қилишдан бош тортгандан сўнг Ҳирод Уни калтаклашни ва Пилат олдига қайтариб юборишни буюрди. Пилат яна бир марта яхудий йўлбошчиларни ўз айбловларидан воз кечишиларига кўндиришга уринди, лекин улар бу таклифга кўниш ўрнига оломонни: «Хочга михлансин! Хочга михлансин!» деб бақиришлари учун гижгижладилар. Пилат тартибсизликлар бошланаётганини кўриб, Исони хочга михлаш ҳақида буйруқ берди.

## **14-боб: Вазифа бажарилди – Исонинг хочи ва ўлими**

Ҳокимнинг аскарлари Исони ҳукумат саройига олиб бориши, у ерда Уни калтакладилар, Унга тупурдилар ва Уни “шоҳ” деб масхара қилдилар. Аскарлар тиканлардан тож ўриб, Унинг бошига кийгиздилар. Улар Унинг эгнига қизил тўн кийдирдилар ва гўёки Унга ҳурмат бажо келтиргандек, Унинг олдида тиз чўқдилар. Сўнг улар Унинг устидаги тўнни ечиб олиб, Ўзининг кийимларини кийдиришди ва Хочга михлаш учун олиб кетдилар.

Исо дастлаб оғир ва дағал ёғочдан ясалган Ўз хочини Қуддус орқали кўтариб борди. Кўп одамлар содир бўлаётган воқеани кузатиш учун кўчаларда тўпланишди, баъзилар йиғладилар. Исо шу қадар ҳолдан тойдики, Ўз хочини кўтара олмай қолди. Шунинг учун соқчилар оломон орасидан бир кишини тортиб олиб, уни йўлнинг қолган қисмида Исонинг ўрнига хочни кўтариб боришга мажбур қилдилар.

Исони Гўлгота деб аталувчи тепаликка олиб келишди. Унинг қўллари ва оёқлари хочга михлар билан михланди, шундан сўнг бу хочни худди шундай жазоланган иккита қароқчи ўртасига ўрнатдилар. Пилат хочга, Исонинг боши устига «Носиралик Исо, Яхудийлар Шоҳи» деган сўзлар ёзилган лавҳани осиб қўйишни буюрди. Яхудий руҳонийлари Пилатдан бу лавҳани «Бу одам яхудийларнинг Шоҳи бўлишга даъвогарлик қилган» деган лавҳага ўзгартиришини сўрадилар. Лекин Пилат рози бўлмади. Исони кундузи соат ўн икки атрофида хочга михладилар ва шундан сўнг осмонни қора булутлар қоплаб олди.

Исо хочда осилиб турган пайтда бутун дунёning гуноҳи Унинг зиммасига тушди. У бутун инсониятнинг гуноҳи учун жазоланди. Айнан шу сабабли Исонинг бу дунёга келиши зарур эди.

Исо хочда бўлган пайтда У баланд овозда хитоб қилиб деди: «Эй Худойим! Нега Мени тарқ этдинг?» Кўп одамлар Исони шу пайтда гуноҳкор бўлган, шунинг учун Унинг муқаддас Ота Худоси Унга ҳатто қарай олмаган, деб ўйлайдилар. Бошқа одамлар Масиҳ ўлими ҳақидаги башорати берилган Забур 22-санонинг бошидаги сўзларни Исо эслаб айтган деб ҳисоблайдилар. Қатл жойида бўлган одамлар бу Забур оятларини билишган ва Исонинг ўлими минг йил аввал башорат қилинганини тушунган бўлишлари мумкин.

Бу буюк жанг бўлиб, инсонни гуноҳ билан жалб қилишга, уни гуноҳнинг қулига айлантиришга ва Худодан ажратиб қўйишга интилаётган иблис устидан Исо ғалаба қозонди. Унга ишонгандар гуноҳнинг кечирилишига ва Худо абадий ҳаётга ҳамда Худо билан мулоқотга эга бўлишлари учун, Исо хочда гуноҳ учун тўлов тўлади. Исонинг Ўзи қурбонликка келтирилган «фисиҳ қўзиси»га айланди.

Шубҳасиз, шайтон ўзининг мағлубиятини тушунди. Ҳатто энг охирги лаҳзада ҳам Исо инсониятнинг гуноҳи учун ўлиш ўрнига Ўзини кутқариши мумкин эди. У шундай хитобларни эшилди: «Агар Худонинг Ўғли бўлсанг, Ўзингни Ўзинг қутқар-чи! Хочдан тушиб кўр-чи!». Биз бу васваса шайтондан бўлганми ёки йўқми била олмаймиз, бироқ Исо одамларга бўлган севгиси ва Отага итоати туфайли хочда қолди.

Исонинг ёнида бўлган, хочда осилган қароқчилардан бири оломоннинг хитобига қўшилди ва Исони ҳақорат қилди, лекин бошқа қароқчи, ўша қароқчини айблаб шундай деди: «Биз қилмишимизга яраша адолатли жазо олдик. У эса ҳеч қандай ёмонлик қилгани йўқ». Шундан сўнг у Исота бурилиб деди: «Эй Исо, тахtingизга ўтириб, Шоҳ бўлганингизда мени эсланг!» Исо унга шундай деб жавоб берди: «Сенга чинини айтайин, бугуноқ сен Мен билан бирга жаннатда бўласан».

**Хоч ёрдамида қатл  
қилишни ишлата  
бошлишларидан анча вақт  
илгари шоҳ Довуднинг ёзиб  
қолдирган сўзлари:**

1 Эй Худойим! Эй Худойим! Нега  
Мени тарк этдинг?!

17 Атрофимда кўппаклар  
изғийди, бадкирдорлар тўдаси  
мени куршаб олгандир, қўлу-  
оёқларимни улар илма-тешик  
қилади.

18 Ҳамма суякларим кўриниб  
туради, душманларим кўзларини  
чақчайтириб, еб қўйгудек бўлади;

19 Кийимларимни улар ўзаро  
бўлишган, либосим учун қуръа  
ташлашган.



**Исо хочда**

**“Муқаддасларнинг  
муқаддаси” олий  
руҳоний йилда бир  
марта Ҳудога  
алоҳида қурбонлик  
келтирадиган жой.**

Ниҳоят Исо: «Амалга ошди!» деб хитоб қилди ва жони узилди. Ўша пайтда ҳамма ёқни зулмат қоплаган ва ер ларзага келди. Маъбадда парда осилган бўлиб, у муқаддаслар муқаддаси бўлган жойни оддий одамлар учун сифинадиган жойдан ажратиб турар эди. Маъбаддаги ана шу парда юқоридан пастигача йиртилди ва иккига бўлинди. Бу ҳодиса инсон ва Худо ўртасидаги эшикнинг очиқлиги рамзи бўлди. Шаҳар ташқарисида қабрлар очилиб, тавқодор одамларнинг кўпчилиги тирилди ва қабрларидан чиқди. Улар тирилгандан сўнг Қуддус шаҳрига борди.

Яхудий йўлбошчилари дам олиш кунларида жасадлар хочда осилиб туришини истамадилар. Шунинг учун улар Пилатдан ўлимни тезлаштириш учун аскарлар хочда осилганларнинг оёқларини уриб синдиришларини сўрадилар. Римлик аскарлар Исонинг аллақачон ўлганини кўриб, ҳайрон бўлдилар. Одатда одам хочда 20 соатгача қийналиб жон берарди. Унинг ҳақиқатдан ҳам ўлганига ишонч ҳосил қилиш учун аскарлар Унинг биқинига найза тикишди ва ўша жойдан қон ва сув оқиб тушди. Бу ҳолат Исонинг ўлимини тасдиқлади.

Яхудий йўлбошчиларидан бири Юсуф деган Аrimatеялик (у Исонинг яширин шогирди бўлган) Пилатдан Исонинг жасадини дағн қилиш учун рухсат сўради. У ва Таврот муаллимларидан бири бўлган Никодим Исони хочдан олдилар ва дағн қилишга тайёрлаб, Уни қояга ўйилган янги қабрга қўйдилар. Исога ишонган баъзи аёллар уларнинг ортидан эргашдилар. Қабрга кириш жойи катта тош билан ёпилди, шундан сўнг Исонинг дўстлари, шанба куни қайғу маросимини бажариш учун уйга қайтиб кетишли.

Яхудо йўлбошчилари яна Пилатга илтимос билан мурожаат қилишди, чунки улар Исонинг учинчи куни тирилиши ҳақида башорат қилганини эсларидан чиқармадилар. Улар Пилатга: «қабр уч кун кўриқлансан, акс ҳолда, Унинг шогирдлари бориб, жасадни ўғирлаб кетадилар-да, одамларга: У ўлиқдан тирилди, деб айтадилар. Бу ёлғон биринчисидан ҳам баттар бўлади» деб айтиб, Пилатнинг бу ҳақида буйруқ чиқаришини сўрадилар. Шунинг учун Пилат қабр олдида кўриқчилар туриши, қабр тошига муҳр босилиши ҳақида буйруқ берди.

## **15-боб: Масиҳ тирилди!**

Якшанба куни аёллар тонготарда Исонинг танасига хушбўй мойларни суртиш учун қабрга қараб йўл олдилар. Улар йўлда қабр оғзига қўйилган катта тошни қандай четга суриш ҳақида ўйлаб бордилар. Бироқ улар қабрга яқинлашганларида, қўриқчиларнинг йўклигини, қабр оғзидағи тош ағдарилиб ётганини кўрдилар. Улар ичкарига кирдилар, лекин у ерда Исонинг жасадини топмадилар. Тўсатдан аёлларнинг қаршисида иккита фаришта пайдо бўлди. Улар: «Нега сиз тирикни ўликлар орасидан қидиряпсизлар? У бу ерда йўқ, У тирилди!», деб айтди. Аёллар шунчалик хурсанд бўлишшки, бу ҳақида шогирдларга айтиб бериш учун югуриб кетишли.

Исо ўликлар орасидан тирилгандан сўнг қаттиқ зилзила бўлди. Қабр олдида турган соқчилар қаттиқ қўрқиб кетди, улар «мурдадай қотиб қолишди». Улар ўзларига келишгандан сўнг содир бўлган воқеа ҳақида яхудий йўлбошчиларига гапириб бериш учун югуриб кетишли. Бош руҳонийлар уларнинг бу ҳақида гап тарқатмасликлари учун уларга катта миқдорда пул беришли. Агар одамлар соқчилардан сўрасалар, улар одамларга: «Исонинг шогирдлари кечаси келиб, биз ухлаб ётганимизда жасадни ўғирлаб кетишли», деб айтишлари кераклигини тайинладилар.

Аёллар шогирдлар олдига келишганда, уларга Исонинг тирилгани ҳақида гапириб бердилар. Дастрлаб эркаклар уларга ишонмадилар, Бутрус ва Юҳанно эса ўзлари ишонч ҳосил қилиш учун қабр томонга қараб югуриб кетдилар, лекин улар қабрни бўш ҳолда топдилар. Боғда ёлғиз ўзи қолган Магдалалик Марям қабр ташқарисида туриб йиглади. Тўсатдан Исо унга зоҳир бўлди. Исо уни бошқа шогирдлар олдига юборди ва у уларга Раббийни кўргани ҳақида гапириб берди. Ўша куни оқшом пайти шогирдлар ва Исонинг бошқа издошлари уйда қолишди. Бирдан ўша ерда уларнинг орасида Исо пайдо бўлди ва уларга: «Сизларга тинчлик бўлсин!», деб айтди. У уларга Ўз қўллари ва биқинидаги чандиқларни кўрсатган ва уларни гуноҳларнинг кечирилиши ҳақида бутун дунёга гапириб беришлари учун юборди.



### **Исо Магдалалик Марямга зоҳир бўлди**

Ўша пайтда шогирдлардан бири Тўма улар билан бирга эмас эди. Кейинчалик унга Исонинг тирик эканини гапириб беришганда, у ишонмади. У шундай деди: «Унинг кўлларидағи мих чандиқларини ўзим кўрмагунимча, мих чандиқларига бармоғимни тегизмагунимча, биқинига қўлим билан тегиб кўрмагунимча ишонмайман». Тўсатдан Исо яна пайдо бўлди ва Тўмадан Ўзининг яраларига тегиб кўришини сўради. Исо арвоҳ эмас эди. Тўма дарҳол ишонгани учун: «Ё Раббим, Худойим!», деди.

Кейинги қирқ кун давомида Исо кўп одамларга зоҳир бўлди. Бир куни Унинг шогирдларидан иккитаси Эммаус номли қишлоққа йўлда гаплашиб кетаётгандилар. Уларга бир киши яқинлашиб, улар нимани муҳокама қилиб кетаётгандарини сўрадилар. Улар бу кишининг охирги пайтда содир бўлган воқеалардан беҳабарлигини билиб, ҳайрон бўлдилар ва унга Исонинг хочга михланганини ва баъзи шогирдар Унинг тириклигини айтаётгандарини гапириб беришди. Шунда у киши уларга Муқаддас битикларда (Эски Аҳдда) Исонинг гуноҳ учун ўлиши ва сўнг

тирилиши зарур бўлгани ҳақида ёзилганини тушунтириб берди. Улар қишлоққа етиб келишганда, нотаниш кишини кечки овқатга таклиф қилишди. У улар билан дастурхонга ўтирганда, нонни олиб шукrona дуосини айтди. Шунда улар ўзларининг қаршисида Исо турганини англаб етдилар! Бироқ Исо кўздан ғойиб бўлди.

Яна бир сафар шогирдлар ўз қайиқларига қайтиб келишди ва кечаси билан балиқ овладилар, лекин ҳеч нима тута олмадилар. Кун ёришганда қирғоқда турган бир киши уларга худди Исога ўхшаб қайиқнинг ўнг томонига тўрни ташлашни айтди. Балиқчилар тўрга кўп балиқ илинтирганларида, Бутрус: «Бу Раббимиз Исо-ку!» деб бақириб юборди ва сувга сакраб қирғоқ томон сузиб кетди.

Яна бир сафар Исо бир пайтнинг ўзида 500 кишига зоҳир бўлди.

40 кун ўтгач Исо Байтания яқинидаги жойда Ўз шогирдлари билан учрашди. У уларнинг Қуддусда қолишлиарини ва уларга ёрдамга келадиган Худонинг Рухини (Муқаддас Рухни) кутишларини тайинлади. Сўнг Исо уларга ўзлари кўрган ва эшигтан нарсаларни бошқа одамларга бориб айтишни ва бошқалар Исога эргашишларига ёрдам беришни буюрди. У уларнинг хизмати Қуддусда бошланишини, сўнг атрофдаги худудларга, сўнг эса олисдаги юртларга ёйилишини айтди. У улар билан доим бирга бўлиши ҳақида ваъда берди.

Шундан сўнг Исо уларнинг кўзи олдида осмонга кўтарилиб кетди. Улар осмонга тикилиб турганларида, уларнинг олдида иккита фаришта пайдо бўлди ва уларга шундай деди: «Нимага осмонга қараб турибсизлар? Исо осмонга кўтарилганини ўз кўзингиз билан кўрдингизлар. У осмонга қандай кўтарилган бўлса, худди шундай қайтиб келади».

## 16-боб: Жамоат – Исонинг ер юзидаги танаси

Исо осмонга кўтарилигандан сўнг Унинг таржимаи ҳолини шу жойда тугатиш мақсадга мувофиқдек туюлиши мумкин. Лекин биз оддий одам ҳақида эмас, балки Худо Ўғли бўлган Исо Масих ҳақида гапираётганимизни унутманг. Шунинг учун ҳикоя давом этади. Исонинг издошлари Унинг топшириғига итоат қилиб, Муқаддас Руҳнинг тушишини кутиш учун Куддусга қайтиб боргандар. Бу гурӯҳ Исонинг 11 та шогирди ва Унинг онаси Марям билан биргалиқда тахминан 120 тадан иборат кишини ташкил қилган (Исонинг ўн иккинчи шогирда Яхудо Ишқариёт Исога хиёнат қилгандан сўнг ўз жонига қасд қилган).

Яхудийлар Фисих байрамидан эллик кун ўтгач Ҳосил байрами деб аталган бошқа байрамни нишонлаганлар. Бу байрамда улар Мусонинг Синай тогида Худодан Қонунни олганини эслаганлар. Ўша пайтда Куддусда бутун империядан келган яхудийлар тўпланган. Бир куни саҳарда Исонинг шогирдлари Ҳосил байрами пайтида биргалиқда ибодат қилишган. Тўсатдан уй шиддатли шамол эсанг овоз билан тўлган, уларнинг боши узра «тил шаклидаги» аланга пайдо бўлган. Уларга Муқаддас Руҳ тушиб келган ва ҳаммалари куч ва шодликка тўлганлар. Улар кўчаларга чиқишиган ва одамларга Исо ҳақида ва Унинг нималар қилгани тўғрисида гапириб бера бошлаганлар. Улар ўзлари илгари ҳеч қачон гапирмаган турли тилларда гапираётганини аниқлаганлар. Шу йўл билан Куддусдаги чет элдан келган одамлар ўзларининг она тилларида Исо ҳақида эшитганлар. Ҳамма ҳайратда қолган. Баъзи одамлар кулиб, Исонинг шогирдлари маст бўлиб қолибди, деб айтишган. Бироқ Бутрус уларга қарата шундай деган: «Бу одамларни сизлар маст деб ўйлаяпсизлар, аммо ундан эмас. Ахир, эндиғина эрталаб соат тўқиз бўлди-ку!»



Ҳосил байрамида Муқаддас Руҳнинг тушиб келиши

Шунда Бутрус ўрнидан туриб, оломонга Исо ҳақида, Унинг қандай қилиб ўлгани, тирилгани ва сўнг уларга Муқаддас Рухни юборгани тўғрисида ваъз қилишни бошлади. Одамлар нажот топиш учун нима қилиш кераклигини сўраганларида, Бутрус уларнинг «тавба қилишлари (гуноҳдан юз ўгиришлари) ва Исо Масих номи билан сувга чўмишлари керак эканини» айтди. Ўша куни тахминан 3000 киши имон келтириди ва Исо Масихнинг издошларига айланди. Шу Ҳосил байрамида Жамоатнинг – Масих «танаси»нинг ер юзидаги туғилиши содир бўлди.

Ҳосил байрамидан сўнг тез орада Бутрус ва Юҳанно маъбадга ибодат учун боришлини ва маъбад дарвозаси олдидан ўтиб кетаётганларида, улар садақа сўраётган ногирон одамни (туфма шол одамни) кўрдилар. У Бутрус ва Юҳаннодан садақа сўраганда, улар ўзларида пул йўқлигини, лекин улар ўзларида бор бўлган нарсани унга беришларини айтдилар. Сўнг Бутрус унга буюрди: «Носиралик Исо Масих номи билан буюраман: ўрнингдан туриб юр!» Бу одам ўрнидан турди ва юришни ва сакрашни бошлади. Бу воқеа оломонни тўплади ва Бутрус уларга шундай деди: «Нега бунга ҳайрон бўляпсизлар? Худди биз ўз қудратимиз ёки художўйлигимиз билан бу одамга шифо бергандай, нега бизга тикилиб қарайпсизлар? ...Исо берган бу имон уни кўз ўнгингизда бутунлай соғайтириди». Ва тахминан 2000 киши ўша куни имонга келди.

Олий Кенгаш содир бўлган воқеа ҳақида эшитганда, улар Бутрус ва Юҳаннони сўроқ қилиш учун тутиб келтирганлар. Улар Исонинг шогирдларидан Исо ҳақида гапиришни бас қилишларини талаб қилганлар. Бироқ Бутрус ва Юҳанно ўзлари кўрган ва эшитганларини гапириб беришни тўхтата олмасликларини айтиб жавоб беришган. Бош руҳонийлар агар улар Исо ҳақида ваъз қилишни тўхтатмасалар, уларга нисбатан жиддий чоралар кўришларини айтиб, уларга таҳдид қилганлар. Бироқ бош руҳонийлар уларни кўйиб юборишига тўғри келган.

Тез орада улар ўзларининг таҳдидларини ҳаётга тадбиқ қила бошлаганлар ва янги жамоатни қувғин остига олган. Энди “ҳаворийлар” (“юборилган” маъносини англатади) деб аталувчи шогирдлар

**Биз илгари кўрганимиздек,  
иблис хочда мағлуб бўлган,  
лекин у йўқ қилинмаган.  
Муқаддас Китоб унинг ҳалок  
қилиши мумкин бўлган  
одамларни излаб, оч қолган  
шердай изғиб юрганини айтади.  
У жангда бой берган, бироқ  
Исонинг қайтиб келишидан  
аввал иблис имкон қадар кўпроқ  
одамни ҳалок қилишга интилади.  
Унинг усулларидан бири – бу  
одамларни гуноҳга жалб  
қилишдир. Бошқа усул – бу  
уларнинг Исо ҳақида  
Хушхабарни эшитмасликлари ва  
тушунмасликларидан  
иборатдир.**

калтакланган, зиндонга ташланган ва улардан бири Ёқуб Исога бўлган имони учун боши танасидан жудо қилинган. Бутрус ҳам ҳисбса олинган ва ўлим жазосига ҳукм қилинган. Бироқ тунда Худо фариштани юборган ва у Бутруслни зиндондан халос қилган.

Жамоатга бўлган қувғинлар сабабли имонлилар Қуддусдан бошқа шаҳарларга қочишларига тўғри келган. Бу эса аслида жамоатнинг кенгайишига ва ёйилишига ёрдам берган. Шоул исмли бир яхудий йўлбошли бу янги эътиқодни тўхтатиш учун астойдил бел боғлаган, шунинг учун у жамоатни нафақат Қуддусда таъқиб қилган, балки шу билан бирга имонлиларни тутиб олиш ва уларни зиндонларга ташлаш учун бошқа шаҳарларга борган. У солих инсон бўлган ва у Исо ҳақидаги бу «сохта таълимот»га барҳам беришни ўзининг бурчи деб ҳисоблаган.

Иблис жамоатга ташқаридан ҳужум қилган, лекин шу билан бирга у жамоатни ичкарисидан путур етказишга уринган. Илк жамоатда Ханониё ва Сапфира исмли эр-хотин бўлган. Улар жамоатга ўзларининг қанча пул бергани ҳақида ҳаворийларни алдаганлар. Шунинг учун Худо уларни жазолаган ва ҳаётларидан маҳрум қилган.

## **17-боб: Исонинг жамоати ҳамма учун**

Ташқаридан ва ичкаридан қувғинлар бўлишига қарамасдан жамоат ўсишда давом этган. Лекин ўша пайтда Исони Масиҳ сифатида қабул қилган янги имонлиларнинг қарийб ҳаммаси яхудийлар бўлишган. Ҳаворийлардан бири Филип бир нечта самарияликларга Исо ҳақида гапириб берган. Самарияликлар яхудийларнинг бошқа халқлар билан аралашуви натижасида пайдо бўлган халқ ҳисобланган, шунинг учун яхудийлар уларни писанд қилмаганлар. Филип Исо ҳақида ваъз қилганида, Ҳосил байрами куни имонлиларга Муқаддас Рухнинг тушиб келиши воқеаси самарияликларда ҳам содир бўлган.

Лекин энг катта яхши янгилик ҳали олдинда эди. Ўша пайтларда Худони севадиган ва ҳатто яхудийларга ибодатхона қуришда ёрдам берган Корнилий исмли римлик юзбоши бўлган. Бир куни ибодат пайтида Корнилийга фаришта зоҳир бўлган ва Яффа номли шаҳарда меҳмон бўлиб турган Бутрус исмли кишини чақиртиришни айтган. Фариштанинг сўзларига кўра Бутрус унга маҳсус хабарни етказиши керак бўлган. Шунинг учун Корнилий Бутрусни таклиф қилиш ва у орқали Худонинг каломини эшитиш учун Яффага хизматкорларини юборган.

Ўша пайтда Бутрус Яффадаги уйнинг томида ўтирган ва ибодат қилаётганида Худодан ваҳий олган. Бу ваҳийда Бутрус оч қалган ва катта дастурхоннинг осмондан ерга тушиб келаётганини кўрган. Унинг устида яхудийлар учун ҳаром ва нопок ҳисобланган турли ҳайвонлар бўлган. Худо Бутрусга ҳайвонлардан бирини сўйиб ейишни буюрган. Лекин Бутрус шундай деб жавоб берган: «Асло ундей қилмайман, Эгам! Мен ҳеч қачон ҳаром ёки нопок нарсаларни емаганман!» Худо билан бу сұхбат яна икки марта тақрорланган ва ҳар сафар Худо Бутрусга бу ҳайвонларни ейишни айтган, Бутрус эса рад қилган. Шундан сўнг дастурхон бирдан осмонга олинган. Ниҳоят Худо Бутрусга: «Худо ҳалол деб айтган нарсаларни сен ҳаром демагин», деб айтган. Шунда Муқаддас Рух унга: «Қара, учта одам сени излаб келди. Энди ўрнингдан тур, пастга туш, ҳеч иккиланмай улар билан бирга бор. Уларни Мен жўнатганман».

Шундай қилиб, Бутрус Корнилийнинг уйига қараб йўл олган. У ерда римлик юзбоши Бутруснинг нутқини тинглаш учун бир талай одам тўплаган. Бутрус уларга шундай деган: «Ўзларингиз биласизларки, яхудий одам бошқа халқдан бўлган одам билан алоқа боғлаши, уникига бориши қонунимизга хилофдир. Аммо Худо энди менга ҳеч бир кимсани ҳаром ёки нопок деб ҳисобламасликни аён қилди». Сўнг у уларга Исо ҳақида гапириб берди, лекин у ҳали уларга гапини тугатмасиданоқ Муқаддас Рух хонадаги римлик тингловчилар устига тушиб келди! Кейинчалик Бутрус Жамоатга ҳамма халқлар: яхудийлар, самарияликлар ва ҳатто насл-насабида яхудийлар бўлмаганлар, Исога эргашишлари ва Муқаддас Рухни қабул қилишлари мумкинлигини айтиб берган.



### **Бутрус ичидә нопок ҳайвонлар бўлган дастурхонни кўрмоқда**

Бу пайтда Шоул исмли фарзий жамоатни таъқиб қилишда давом этар эди ва кўп масиҳийларни (Масиҳнинг издошларини) зинданга ташлатди. У яна масиҳийлар Дамашқда (Сирияда) борлиги ҳақида ҳам эшилди. Шоул Қуддусдаги яхудий йўлбошчилари олдига борди ва ўзига Дамашқдаги имонлиларни ҳибсга олиш учун ваколатни бериши мумкин бўлган расмий хатни улардан сўради. Дамашқка борадиган йўлда тўсатдан осмондан бир нур унинг ён-атрофини ёритиб юборди ва у ерга йиқилди. Осмондан бир овоз шундай деди: «Шоул! Шоул! Нега Мени қувғин қиляпсан?» Шоул сўради: «Ё Ҳазратим! Сен кимсан?» Бу овоз шундай деб жавоб берди: «Сен қувғин қилаётган Исоман». Шоул ўрнидан турдида, кўзларини очса ҳам, ҳеч нарсани кўра олмай қолди. Унинг ёнида бўлган одамлар осмондан тушган нурни кўрдилар, аммо овозни эшифтадилар. Улар Павлуснинг қўлидан ушлаб, уни Дамашқ шаҳрига олиб бордилар.

Худо Дамашқда ибодат қилаётган Ҳанания исмли масиҳийга Шоул турган уйга боришни буюрди. Ҳанания Шоулнинг исмини эшитиб кўрқиб кетди. Худо Ҳананиянинг Шоулни кўзи очилиши учун ибодат қилишини айтди. Ҳанания: «Ё Раббим! Мен у одам ҳақида кўпчиликдан эшифтган эдим. У Қуддусдаги Сенинг азизларингга кўп ёмонлик қилган экан. Бу ерда ҳам у Сенинг номингни тилга

оладиганларни қамаш учун бош рухонийлардан ваколат олибди», деб жавоб берди. Бироқ Худо унга: «Боравер, у Менинг танланган қуролимдир. У ғайрияхудийлар орасида, шоҳлар ва Истроил ҳалқи орасида номимни машхур қиласиди. У Менинг номим ҳақи қанчалар азоб чекиши кераклигини унинг ўзига кўрсатаман».

Ҳанания Шоул олдига бориб ибодат қилиши билан, унинг дарҳол кўзлари очилди. Шоул шифо топиши билан ҳаммага Исо Масих ҳақида гапириб беришни бошлади. Яхудий йўлбошчилар Шоулни ўлдиришга қарор қилдилар, лекин тунда Дамашқаги имонлилар уни шаҳар деворидан ошиб ўтишига ва қочиб кетишига ёрдам бердилар. Шоул ҳаммага Исо ҳақида гапиришда давом этди, лекин Қуддусдаги ҳаворийлар уни ёлғон гапираётганликда шубҳа қилиб, уни қабул қилишга қўрқдилар. Барнабо исмли бир жамоат етакчиси журъат қилиб, Шоулни Қуддусга қайтариб олиб келди. У ердаги имонлилар уни Исонинг ҳақиқий издошига айланганини кўрдилар.

Шундан сўнг Шоул Антиохияга сафарга борди ва у ерда Барнабо ва бошқа жамоат етакчилари билан хизмат қилди. Бир куни Муқаддас Рух жамоатга Шоул (унинг исми Павлус исмига ўзгартирилди) ва Барнабонинг Исо хушхабари ҳақида, гуноҳларнинг кечирилиши учун Унинг ўлими ва тирилиши тўғрисида ҳали эшитмаган шаҳарларга бориб, хизмат қилишлари кераклигини айтди. Шунинг учун улар ҳозирги Туркияning ҳудудида Исо ҳақида ваъз қилишни бошладилар ва натижада, кўплаб яхудийлар ва ғайрияхудийлар имонга келишди.

Павлус ва Барнабо ўзларининг сафарини тугатганларидан сўнг улар Қуддусга қайтиб бордилар ва у ерда ўз сафарлари пайтида Худо нима қилганини ва қанча кўп одам Исога имон келтирганини сўзлаб бердилар. Йўлбошчилар одамларнинг гуноҳдан халос бўлаётганини эшитиб хурсанд бўлдилар, лекин баъзилар янги имонлиларнинг яхудий анъаналарига риоя қилмаётганидан ташвишландилар. Шунинг учун Қуддусда биринчи жамоат кенгashi ўтказилди ва бу кенгаш давомида, келиб чиқиши яхудий бўлмаган янги имонлиларга, қандай талаблар қўйиш масаласи муҳокама қилинди.

Бу муҳокама кўп йиллар давом этган ва ҳатто ҳозир ҳам маълум бир муаммоларни вужудга келтириб туради. Мусо Худодан Қонун олган, бироқ Исо тоғдаги ваъзида Қонунни бажарилишига доир янада кучлироқ талабларни қўйган. Имонлининг ҳаётида Эски Аҳд (масалан, Ўнта амр) қонунларининг қандай роли бор? Муқаддас Китоб биз хайрли ишларимиз билан эмас, балки Масихнинг ўлими орқали најот топганимиз ҳақида аниқ қилиб айтади. Исо деган: «Мени, Таврот ёки пайғамбарларнинг битикларини бекор қилгани келган, деб ўйламанглар. Мен бекор қилгани эмас, балки бажо келтиргани келдим». Ҳеч ким Қонунни бажариш орқали Худо олдида солиҳ бўла олмайди, факат буни охирига қадар бажарган Исо Масих орқали амалга ошириш мумкин.

Бироқ Қонун барибир масиҳийлар учун маълум бир аҳамиятга эгадир. Биринчидан, Қонун бизга гуноҳнинг нима эканини кўрсатиш учун берилган. Қонунсиз нима гуноҳ ёки нима гуноҳ эмас эканини тушуниб бўлмас эди. Иккинчидан, Қонун бизга ҳаётда тўғри йўл кўрсатиш учун берилган. Агар биз ҳақиқатдан ҳам Масиҳнинг издошлари ҳисоблансанак, у ҳолда биз Худонинг қонунларига риоя қилишга ҳаракат қиласми. Биз Худонинг қонунларига риоя қилмаган пайтимизда, кечирим сўраймиз. Эҳтимол, ўз ҳаётимизда гуноҳимизнинг маълум бир оқибатларини бошдан кечиришимиз мумкин. Бироқ Исо аллақачон биз учун ўлгани сабабли ўз гуноҳимиз учун абадий ўлимга сазовор бўлмаймиз. Биз ўзимиз лойик бўлмаган нарсани Худодан қабул қилганимизда, бу иноят деб аталади.

Шунинг учун масиҳийлар Қонун таъсири остида эмаслар, бироқ биз унга мувофиқ тарзда яшашга ҳаракат қиласми. Бу бизнинг ҳайвонларни қурбонликка келтиришимизни ва чўчқа гўшти каби маълум бир озиқ-овқатлардан воз кечишишимизни англатадими? Эски Аҳд Қонуни учта қисмдан: ахлоқий қонун, қурбонлик қонуни ва маросим қонунидан иборат эканини тушуниш муҳим. Ахлоқий қонун бутларга сифинмаслик, ўғирлик қилмаслик, ота-оналарни ҳурмат қилиш каби амрларни ўз ичига олади. Бу бизга Худо бизни қандай яшашимизни исташи ҳақидаги тушунчани беради. Бизнинг гуноҳларимиз учун ҳайвонларнинг қурбонликка келтирилиши ҳақида гапирувчи қурбонлик қонуни, Исо хочда ўлганда амалга оширилган. Ҳайвонларнинг қурбонликка келтирилиши бизга Масиҳнинг қурбонлигига ишора қилувчи тимсол. Таомлар, байрамлар ва кийимлар ҳақида кўрсатмалар берувчи маросим қонуни (у баъзан фуқаролик қонуни деб ҳам аталади), Исройлнинг миллат сифатида бошқа халқларга намуна бўлишига ёрдам бериш учун мўлжалланган ва ҳамма жойда, доим қўлланилмаслиги керак эди. Павлус ўзининг Галатияликларга йўллаган мактубида Қонун масаласи ҳақида ёзади.

Қуддус кенгаши Павлуснинг янги имонлилар олдига қайтиб боришини ва уларга маросим қонун билан боғлиқ эмасликларини айтишлари керак эди. Улардан фақат бутларга қурбонликка келтирилган ҳайвонлар гўштидан емасликни, ўзларини жинсий поклиқда сақлашларини ва ҳайвонларнинг қонини истеъмол қилмасликларини сўраганлар.

Павлус ўзи илгари ташриф буюрган шаҳарларга иккинчи ва учинчи сафарларини амалга оширган ва ҳатто, Европанинг баъзи шаҳарларида ваъз қилган. Бошқа ҳаворийлар ҳам Масиҳ ҳақида Хушхабар ёйиш учун турли томонларга тарқаб кетганлар. Бутрус, Павлус ва Юҳаннонинг илк жамоатлар учун ёзган мактубларининг бир нечтаси Муқаддас Китоб таркибиға киритилган. Ер юзидағи Масиҳнинг танаси бўлган Жамоат 2000 йил давомида ўсишни давом эттироқда ва ҳозирги пайтда барча мамлакатларда мавжуд.

## **18-боб: Исо ҳозир нима қиласыпты?**

Ҳозирги пайтда Исо нима билан шуғулданаётгани ҳақида охиригача билмаймиз. Исо осмонга күтарилиб кетишидан аввал, бу ҳақида Ўз издошларига бироз гапириб берган. У Ўзининг осмонга күтарилганидан сўнг, Ўз Отасидан Муқаддас Рухни юборишни сўрашини айтган ва бу воқеа Ҳосил байрамида содир бўлган. Исо Муқаддас Уч бирлик яна бирга бўлганида, У Отанинг ўнг томонида ўтиришини айтган. Ўнг томондаги жой ҳокимият ва шарафни англатади. Исо Ўз шогирдлари Худо билан абадий яшайдиган жойни улар учун тайёрлашини айтган.

Муқаддас Китоб Исо биз учун ибодат қилиши ҳақида ҳам гапиради.

**Яҳудийлик маданиятида ва кўплаб бошқа маданиятларда куёв келинга қимматбаҳо тақинчоқлар ва кийимларни ҳадя қилиш ва ҳатто келинлик либосини харид қилиш қилиш анъанаси мавжуд. Бу куёвнинг қандай қилиб, келин тўйдан олдин ўзини гўзал ва севимли эканини ҳис қилиши имконини беришининг ажойиб мисолидир.**

Биз илгари айтиб ўтганимиздек, Исо Жамоатнинг – Масих танасининг боши ҳисобланади. Бош танани бошқаргани каби У Ўз жамоатини бошқаради. Шунинг учун жамоатнинг вазифаси Масиҳнинг истакларини бажариш, Унинг қўллари ва оёқлари бўлиб хизмат қилишдир. Исо Ўз келини, Жамоат билан тўйга тайёрланаётган куёв сифатида ҳам тасвирланган. У Ўз келини (Ўз халқи) тоза, содик ва гўзал бўлишини истайди. У Ўзи ва Ўз Жамоати бирга абадий бўлиш вақтини сабрсизлик билан кутади.

## **19: Исо қайтиб келади – сен эса тайёрмисан?**

Муқаддас Китобда тасвирланган Исонинг ҳикояси давом этмоқда. Муқаддас Китоб ҳали содир бўлмаган бир нечта ҳикоялар ҳақида гапириб берган. Бу воқеалар келажакда содир бўлиши сабабли, муаллифлар томонидан тасвирланган тушга ўхшаш ваҳийларда, айнан қандай воқеалар юз бериши ҳали ҳам номаълум. Буларнинг қайси бири рамз, қайси бири эса муболагасиз эканини, бу воқеалар қандай тартибда содир бўлишини билиш қийин. Бироқ Муқаддас Китоб бир нечта келажак ҳақида маълум бир ваъдаларни кўп марта такрорлайди.

Исонинг қайтиши (Унинг иккинчи марта келиши): Исо Ўзининг осмонга күтарилишидан аввал ваъда қилган иккинчи марта ер юзига келиши келажакдаги воқеа ҳисобланиб, у ҳақида кўп ёзилган. Қуйида Исонинг иккинчи келиши билан боғлиқ бўлган баъзи ваъдалар берилган:

У «кечаси ўғри тушгандай» ногаҳон келади; ҳамма Унинг қайтиб келганини кўради; иккинчи марта У нажоткор сифатида эмас, балки Ҳакам сифатида келади; иккинчи марта У туғилган чақалоқ кўринишида эмас, балки осмондан тушиб келади.

Яна бир воқеа – ўликларнинг тирилишидир. Исо қайтиб келганда, ҳамма ўлган одамлар Масих тирилгандан сўнг У эга бўлган танага ўхшаш янги таналарни оладилар. Бу тана жисмоний тана бўлиб, у билан киши ҳис қилиши, юриши, гаплашиши, овқатланиши ва ҳакозо ҳаракатларни бажариши мумкин бўлади. Исонинг келган пайтида тирик бўлганлар бирдан янги танага эга бўладилар.

Ҳар биримиз унинг ҳукм тахти олдида турамиз. Ҳар бир инсон ер юзида яшаган пайтида қилган барча нотўғри ишлари учун ҳукм қилинади. Бироқ Ислома ишонгандар ва Унинг ўлимини ўз гуноҳи учун қурбонлик сифатида қабул қилганлар жазоланмайдилар. Исони Худонинг Ўғли сифатида қабул қилмаганлар эса жиддий жазога дучор бўладилар. Муқаддас Китоб ўз гуноҳлари учун жазоланадиган кучли азоблар жойи ҳақида гапирган.

Келгусида содир бўладиган яна бир воқеа – бу ер ва осмоннинг олов билан йўқ қилиниши, уларнинг ўрнига Худо ҳукмонлик қиласидиган янги осмон ва ер пайдо бўлишидир. Ҳамма нарса Одам Ато ва Момо Ҳавонинг гуноҳ қилишидан аввалгидек бўлади. Бу жойда гуноҳ ёки касаллик бўлмайди, одамлар ва ҳайвонлар ўртасида тинчлик ҳукмронлик қиласиди. Масих томонидан гуноҳи кечирилганлар бутун агадийлик давомида ажойиб жойда Худо билан бирга яшайдилар.



**Исо қайтиб келади!**

## **Keyingi so'z: Iso va Biz**

Муқаддас Китоб Исонинг иккинчи марта Ҳакам сифатида қайтиб келишидан аввал Уни Нажоткор сифатида қабул қилиш фурсати келганини аниқ айтади. Ҳосил байрами пайтида одамлар Бутрусадан қандай қилиб нажот топиш ҳақида сўраганлар. Бутрус шундай жавоб берган: «Тавба қилинглар ва имон келтиринглар». «Тавба қилинглар» сўзи гуноҳкор эканингизни ва Худонинг истаклари билан эмас, балки ўз хоҳишингизга мувофиқ яшаётганингизни эътироф қилишни, шундан сўнг эса бурилиб, Худо томонга юришни англатади. «Имон келтирмоқ» сўзлари Исонинг бу бутун дунёнинг гуноҳи ва шу билан бирга сизнинг гуноҳингиз учун ўлишга келган Худо Ўғли эканига ишонишни англатади. Одамлар Масиҳ билан турли тарзда яшай бошлайдилар. Кўп одамлар ўзларининг гуноҳкор эканини ва Исонинг ўзлари учун нима қилганини англаб Худога овоз чиқариб ёки ўз ичиди, мустақил тарзда ёки бирор киши билан бирга ибодат қилишни бошлайдилар. Улар Худога ўз гуноҳларини эътироф қиласидилар, улар ўзларининг гуноҳкор эканликларини ва ўз иродаларига мувофиқ яшаётгандикларини тан оладилар, ўз гуноҳларининг кечирилиши учун Исонинг ўлимини қабул қилишни ва келгусида Худонинг иродасига мувофиқ яшашни исташларини айтадилар. Шундан сўнг улар бошқа гуноҳ қилмайдилар деб айтиб бўлмайди, лекин улар Масиҳ билан яшайдилар. Исо уларнинг ўтмишдаги, ҳозирги ва келгусидаги гуноҳларини кечиради. Биз кечиримнинг ажойиб тұхфасини олганимизни билган ҳолда, Үнга мурожаат қилишда ва Худо иродасига қарши иш тутганимизда ўз хатоларимизни эътироф қилишда давом этишимиз мумкин.

Шу билан бирга Масиҳ билан ўз ҳаётимизни бошлаш учун янада ошкора йўллар мавжуд. Баъзи одамлар ошкор тарзда тавба қиласидилар, ўзларининг қарори ҳақида оиласига ва дўстларига гапириб берадилар. Улар ўз жамоатида сувга чўмдирилиш қарорини қабул қилишлари мумкин. Сувга чўмдиришни инсон ва Масиҳ ўртасидаги никоҳ маросими билан таққослаш мумкин. Бу маросимда сиз Худо берган куч билан Масиҳни севиш, хизмат қилиш ва Үнга эргашишни ваъда берасиз. Исо Ўз шогирдларига Хушхабарни ваъз қилишда, янги имонлиларни сувга чўмдиришда ва уларни Худога эргашишни ўргатишда давом этишни айтган.

Сиз Исо Масиҳни қабул қилганингиздан сўнг бу муносабатларни қандай ривожлантиришингиз мумкин? Одамлар билан ўзаро муносабатларда бўлгани каби энг муҳим нарса бу яхши алоқа, бир-бири билан гапириш ва эшитиш имконияти ҳисобланади. Исо биз билан гапиришининг энг кенг тарқалган усууларидан бири бу Унинг Сўзи, Муқаддас Китоб орқали мулоқот қилишдир. Унинг Каломини ўқиш

давомида биз бу сўзнинг бизга нима демоқчи эканини тушунишга ҳаракат қиласиз. Бу яхши муносабатларни ривожлантиришга кўмаклашади. Агар бизнинг турмуш ўртоғимиз ёки дўстимиз бўлса, биз у яхши кўрмайдиган нарсаларни биламиз, бироқ биз улар ёқтиромайдиган ишларни қилишда давом этаверсак, у ҳолда бу муносабатлар мустаҳкамланмаслиги мумкин. Ёки аксинча, дўстликни мустаҳкамлаш учун биз ўз яқин кишимизга ёқадиган, у истайдиган ишни қиласиз. Худди шуни Исо билан бўлган муносабатда қўллаш мумкин. Агар сиз Муқаддас Китоб орқали Худони тинглашни қандай бошлашни билмасангиз, у ҳолда бу китобдаги «Муқаддас Китобни қандай қилиб ҳаётингизнинг бир қисмига айлантириш мумкин» номли иловасига қаранг.

Яхши ўзаро муносабатларда биз нафақат эшитамиз, балки шу билан бирга гапирамиз. Биз ўзимизнинг фикрларимиз, орзуларимиз, шодлигимиз, кўркувларимиз, муаммоларимиз ва муваффақиятсизликларимиз ҳақида бошқа одам билан ўртоқлашамиз. Худди шу усулни Масиҳ билан муносабатларимизда қўллаш мумкин. Биз истаган пайтда У билан овоз чиқариб ёки ичимиизда гаплашишимиз мумкин. Баъзи одамлар ўз ибодатларида Муқаддас Китоб оятларини ишлатишни яхши кўрадилар. Баъзи одамлар ўз фикрларига мувофиқ келадиган бошқа кишиларнинг ёзган ибодатларини ўқийдилар. Баъзи одамлар эса ўзларининг ибодатларини ибодат дафтарларига ёзиб қўядилар. Баъзилар табиат кўйнида ибодат қилишни ёқтирадилар, баъзилар эса уйида ибодат қилишни маъқул кўрадилар. Албатта, истасангиз, сиз жамоат биноси ичидан ибодат қилишингиз мумкин.

Исо билан ўзаро муносабатларни ривожлантиришнинг бошқа бир муҳим усули – бу Унинг ер юзидаги Танасининг бир қисмига айланнишdir. Муқаддас Китобда бизнинг Худо билан бирга юришимизда қандай қилиб бир-биrimizni қўллашимиз ҳақида кўп оятлар бор. Биз бир-биrimizni севишимиз, бир-биrimiz учун ибодат қилишимиз, бир-биrimizning юкимизни кўтаришга ёрдам беришимиз, гуноҳларимизни ўзаро эътироф этишимиз жоиз. Тана аъзолари ўзаро боғлиқ бўлгани каби Масиҳ танаси аъзолари ҳам бошқа аъзолар ёрдамига муҳтождир. Танада муносабат ўрнатишнинг энг яхши усули – бу жамоатни ёки имонлилар гуруҳини топишdir. У ерда сиз Масиҳ издошлари билан доимий учрашиб туришингиз мумкин.

Масиҳ билан ўзаро муносабатларни ривожлантиришнинг яна бир усули – бу У ҳақида бошқа одамларга сўзлаб беришdir. Исо Ўзи ҳақидаги хушхабарнинг яширин қолишини истамайди. У нажот излаётган ҳар бир кишининг гуноҳлар учун кечирим олишини истайди ва одамлар бутун коинотни яратган, ҳар бир одамни шахсан яхши кўрадиган Худо билан ярашиши мумкинлиги ҳақида билишини истайди. Кўпчилик одамлар учун имон масаласи шахсий масала ҳисобланади, шунинг учун

бошқаларга Масих ҳақида гапирганимизда эҳтиёткор бўлишимиз керак. Лекин биз учун шундай имконият туғилганда, биз Исо ҳақида очик гапиришимиз мумкин.

Исонинг нима учун бу дунёга келиши ва ўлиши зарур бўлганининг мақсади ана шундан иборатдир. Бу китобнинг охирида шу фикрни яхши ифодалаб берадиган Юҳанно 3-боб, 16-оятдан парча келтирмоқчиман:

«Зоро Худо оламни шунчалик севдики, Ўзининг ягона Ўғлини берди. Токи Унга ишонганлардан биронтаси ҳалок бўлмасин, балки абадий ҳаётга эга бўлсин».

## **Илова**

### **Муқаддас Китобни қандай қилиб ҳаётингизнинг бир қисмига айлантиришингиз мумкин?**

Муқаддас Китоб – бу 35-40 та муаллифлар томонидан 1300 йил давомида ёзилган ажойиб китобдир. У 700 тадан ортиқ тилларга таржима қилинган ва ҳали ҳам энг кўп сотиладиган китоб ҳисобланади. Муқаддас Китобни ўқиш орқали олинадиган афзалликлардан бири ўқувчи Худонинг кимлигини билишда ўсиб боришидир. Худо Муқаддас Китобнинг энг асосий қаҳрамони ҳисобланади. Бу китобда Унинг ишлари ва тарих давомида инсониятга Унинг мурожаатлари ёзиб қолдирилган. Муқаддас Китоб бизнинг ким әканимизни ва Худони Исо Масих орқали қандай билишимиз мумкинлиги ҳақида ҳам гапиради. Бу китоб айнан шу мақсадга бағишиланган. Шу билан бирга Муқаддас Китоб, яна биз сермаҳсул ҳаёт кечиришимиз учун йўл-йўриққа эга. Бу бизнинг ҳаётимизда муаммолар бўлмаслигини эмас, балки Худога ва одамларга бўлган севгида самарали бўлишни англатади. Муқаддас Китоб бизнинг гуноҳни четлаб ўтишга, қийин пайтларда умидга эга бўлишга ва афсус қилмасдан ҳаёт кечиришга далда беради.

Қуида Муқаддас Китобни ўқиш орқали, имкон қадар кўп фойда олишингиз мумкинлиги ҳақида бир нечта маслаҳатлар берилган:

#### **Сиз тушуна оладиган Муқаддас Китоб таржимасини топинг**

Дастлаб Муқаддас Китоб қадимги яхудий тилида (Эски Аҳд) ва юнон тилида (Янги Аҳд) ёзилган. Россияда синодал таржима кўп ишлатилади (1876 г.). Унинг маъноси асл нусхадаги китобга максимал даражада яқинлаштирилган, лекин китобнинг узоқ вақт илгари ёзилгани сабабли унда илгари ишлатилган сўзлар ҳозирги даврга келиб фойдаланмай қўйилган. Агар сизнинг луғат бойлигингиз катта бўлса, у ҳолда шу таржимадан фойдаланинг. Бироқ сиз замонавий таржималардан ҳам фойдаланишингиз мумкин. Россия Библия Жамияти ҳам православ ва ҳам протестант етакчилари томонидан қабул қилинган 2011-йилдаги Муқаддас Китобнинг замонавий таржимасини нашр қилди. Сиз Муқаддас Китобнинг бу таржимасини масиҳийлар китоб дўконида топишишингиз (ёки онлайн усулда харид қилишишингиз) мумкин. Кўпинча жамоатлар Муқаддас Китобларни бепул тарқатадилар. Шу билан бирга телефонлар учун мўлжалланган Муқаддас Китоб дастурлари мавжуддир.

#### **Муқаддас Китобнинг тузилишини тушуниб олинг**

Сиз Муқаддас Китобни қўлга киритганингиздан сўнг уни қайси жойидан бошлаб ўқиш керак? Одатда биз китобнинг бошидан бошлаб ўқиймиз, бироқ Муқаддас Китоб – бу битта китоб эмас, у 66 та китоблар тўпламидир. Ҳа, 66 та китоб! Шундай экан, уни қайси жойидан бошлаб ўқиш керак?

Муқаддас Китоб деб аталувчи бу китблар тўплами икки қисмга бўлинади – Эски Аҳдга (Масиҳнинг пайдо бўлишидан илгари Худо яхудий халқи билан тузган аҳд) ва Янги Аҳдга (Худо ҳамма одамлар билан, шу билан бирга сиз билан ҳам тузган аҳддир) бўлинади. Бироқ у ҳолда нима учун Эски Аҳд Исройилга тегишли бўлса, у Муқаддас Китобга киритилган? Бу Худонинг бутун дунёга нажот бериш учун Ўзининг Исройил билан алоҳида муносабатларини ишлатишга қарор қилгани билан боғлиқдир. Эски Аҳдни ўқир эканмиз, биз Худонинг характеристи, Унинг Ўз халқи билан муносабатлари ҳамда бугунги кунга қадар Унинг инсон билан муносабатидаги мақсадлари ҳақида кўп нарса билиб оламиз.

Эски Аҳд 39 та китобдан иборат ва 4 та бўлимга бўлинади:

<b>Бўлим</b>	<b>Мазмуни</b>	<b>Китоблар</b>
<b>Таврот ёки Қонун</b>	Дунёнинг яратилиши ва имон оталари деб аталувчи, биринчи имонлилар ҳақида қизиқарли маълумотларга эга Исройил учун ахлоқ, қурбонлик ва маросимдан иборат қонунлар.	Ибтидо, Чиқиш, Левит, Сонлар, Қонуннинг тақрорланиши.
<b>Тарихий китоблар</b>	Исройил ва унинг етакчилари тарихи йилномаси.  Етакчилар ва халқлар Худога эргашган пайтда ва улар Худога қарши боргандা нима содир бўлганини кўрсатади.	Ёшуа, Судьялар, Рут, 1-Шоҳлар, 2-Шоҳлар, 3-Шоҳлар, 4-Шолар, 1-Йилнома, 2-Йилнома, Эзра, Нехемиях, Эстер.
<b>Шеърий китоблар</b>	Шеърият, қўшиқлар ва доно гаплар, ҳатто севги ҳақидаги ҳикоялар	Аюб, Санолар, Ҳикматлар, Воиз, Қўшиқлар қўшиғи.
<b>Башоратлар</b>	Худонинг Ўз халқи ва бошқа халқлар учун, гуноҳ ва ҳукм ҳақида огоҳлантириши ҳамда Ўзининг раҳм-шафқати ва ғамхўрлиги ҳақида ваъда бериши.  Келажак ҳақида башоратлар. Кўп башоратлар аллақачон рўёбга чиқсан, баъзилари энди содир бўлиши керак.	Ишаъё, Йермиях, Йермиях йигиси, Эзекил, Дониёр, Ҳосея, Йоэл, Амос, Обадиях, Юнаҳ, Микаҳ, Наҳум, Ҳабақкуқ, Зефаниях, Хагтай, Закариях, Малахи.

Янги Аҳд 27 та китобдан иборат бўлиб, улар ҳам турли бўлимларга ажратилган.

**Янги Аҳд**

Бўлимлар	Мазмуни	Китоблар
Хушхабар	Масихнинг ер юзидаги ҳаёти ҳақида тўртта ҳикоя, уларнинг ҳар бири турли муаллифлар томонидан ўзига хос қарашибилан ёзилган.	Матто, Марқ, Луқо ва Юҳанно хушхабарлари.
Ҳаворийлар китоби	Илк жамоат, ер юзидаги Масих танаси ҳақида ҳикоя.	Ҳаворийларнинг фаолияти.
Жамотга йўлланган кўп сонли мактублар	Турли шаҳарларда Бутрус, Ёкуб, Юҳанно, Павлус ва бошқа ҳаворийлар томонидан имонлилар учун ёзилган мактублар.	Ёқуб, 1-Бутрус, 2-Бутрус, 1-Юҳанно, 2-Юҳанно, 3-Юҳанно, Яҳудо, Римликларга, 1-Коринфликларга, 2-Коринфликларга, Галатияликларга, Эфесликларга, Филиппиликларга, Колосаликларга, 1-Салоникаликларга, 2-Салоникаликларга, 1-Тимўтийга, 2-Тимўтийга, Титусга, Филимўнга, Ибронийларга.
Ваҳий	Охир замон тафсилотини ўз ичига олган келгусидаги воқеалар ҳақида ҳаворий Юҳаннога берилган охирги хабар. Бу китобда аниқ талқин қилиш қийин бўлган кўплаб рамзлар мавжуд. Бироқ асосий фикр оддий: «Исо яна Шоҳ ва Раббий сифатида қайтиб келади!»	Ваҳий.

### Муқаддас Китобни ўқишни бошлишнинг маъқул бўлган жойини топинг.

Сиз Муқаддас китобни бошидан ўқишни бошлишингиз мумкин, лекин иккинчи Чиқиш китобининг ўртасида сиз унда ёзилган қадимги урф-одатлар ва ғалати қонунлар туфайли адашиб қолишингиз мумкин. Шунинг учун биз қуидагини таклиф қиласиз:

- Сиз «Бобларга кўра Муқаддас Китоб парчалари» иловасига (64-бет) ўтишингиз ва бу китобда тасвирланган Муқаддас Китоб воқеаларини

**ўқиб чиқишингиз мумкин.** «Исо ҳикоялари»ни ўқишни бутун бир фильмдан олинган қисқартирилган бир кўриниши билан таққослаш мумкин. Муқаддас Китобда барча тафсилотлар берилган асл ҳикояни топиб ўқиган анча яхшироқдир.

- **Сиз Исонинг ҳаёти ҳақида сўзлаб берувчи Хушхабар китобларидан бирини танлаб олишингиз ва уни бошидан то охиригача ўқишингиз мумкин.** Сиз Унинг ҳаёти ва таълимоти ҳақида кўпроқ билиб олишингиз мумкин. Луқо Хушхабари маҳсус ғайрияҳудийлар учун атаб ёзилган ва Муқаддас Китобни ўқиш ва ўрганиш учун яхши таянч нуқта сифатида хизмат қилиши мумкин.
- **Сиз тушуниш учун осон бўлган китобларни,** масалан, Юҳанно Хушхабари, Ҳаворийлар ёки Ёқубнинг мактуби каби китобларни **ўқишдан бошлишингиз мумкин.**
- **Эски Аҳдда Ибтидо, 1-Шоҳлар, Ҳикматлар, Санолар китобларидан ўқиш билан бошлиш мумкин.** Рут ҳам жуда қизиқарли китобдир, Юнаҳ ва Дониёр китобининг дастлабки олтига бобларида ажойиб воқеалар мавжуд.

Муқаддас Китобнинг ҳажми сизни қўрқитмасин. Шунчаки ўқишни бошлиш учун яхши жой топинг ва ўқишга киришинг.

### **Муқаддас Китобни ўқиш одатини ҳосил қилинг.**

Сиз тайёр бўлганингизда ҳар куни Муқаддас китобдан кичик парчаларни олиб ўқишни бошланг. Агар сиз қуидагиларга амал қилсангиз, бу одатни шакллантиришингиз осон кечади:

- **Доимий равишда вақт ажратиш.** Баъзи одамлар ўзларининг фикрлари бошқа ишлар билан банд бўлмаган пайтда, тонгда Муқаддас Китобни ўқишиди, бошқалар эса ухлашга ётишдан аввал Муқаддас Китобни ўқишни маъқул кўрадилар. Баъзилар уни мактабга ёки университетга кетишда йўлда ўқийдилар. Сиз ўзингизга ўқиш учун энг мақбул вақтни топишингиз керак. Агар сиз қачон имконият туғилганда Муқаддас Китобни ўқийман деб ўйласангиз, аниқроғи, сиз ўйлагандек бўлмайди.
- **Китоб ўқишингизда сизни чалғитмайдиган жойни топиш.** Агар сиз Муқаддас Китобни телефонда ўқисангиз, сизда муаммолар пайдо бўлиши мумкин. Мен телефонни ўчириб қўйишни ва четга олишни, Муқаддас Китобнинг нашр қилинган кўринишини ўқишни ёки Муқаддас Китробни ўқиш вақтида телефондаги барча иловаларни ўчириб қўйишни маслаҳат бераман. Худо сизга матн орқали гапиришни истайди, лекин агар бошқа одамлар сизнинг эътиборингизни олаётган бўлса, у ҳолда буни амалга ошириш қийин бўлади.
- **Реал мақсад қўйиш.** Сиз Муқаддас Китобни ўқиётган пайтингизда, муҳими, бир ўқишда кўп саҳифаларни ўқиш эмас, балки битта бобни ёки ҳатто бир

нечта оятларни ўқиб чиқиш ва улар орқали Худо нима дейишини эшитишидир. Атлет машғулотларни узоқ масофага югуриш билан эмас, балки одатда қисқа масофаларга югуриш орқали машқ қилиш билан бошлайди. Агар сиз кўп ўқисангиз, Муқаддас Китоб таркиби ҳақида тасаввурга эга бўласиз. Бироқ сиз ҳаммасини ва бир онда ўқиб чиқаман деб ўйламанг.

Энг асосийси таслим бўлмаслиқдир. Агар сиз ўқиши учун вақт ва жой топа олмаган бўлсангиз ёки бир кун ўтказиб юборган бўлсангиз, сиз доим яна қайтадан бошлашингиз мумкин. Сиз буни қила олганингиздан хурсанд бўласиз.

### **Бошқаларни Муқаддас Китобни ўқишига жалб қилинг**

Ҳар бир спортда бўлгани каби ўзингиздан кўра яхшироқ биладиган, сизнинг саволларингизга жавоб топадиган ва сизга маслаҳат кўрсата оладиган мураббийга – кишига эга бўлиш доим фойдалидир. Мазкур вазиятда бу одам Муқаддас Китобни яхши биладиган ва сиз ҳақингизда ғамхўрлик қиласидиган лагердаги устоз, сизнинг ёшлар гурухингиз ёки клубингиз етакчиси ёки сизга шу китобни берган киши бўлиши мумкин.

Шу билан бирга сиз ўз дўстингиздан Муқаддас Китобни бирга ўқишини сўрашингиз мумкин. Сиз учрашишингиз ва ўқилган оятларни муҳокама қилишингиз мумкин.

Ёки сиз Муқаддас китобни ўрганувчи гуруҳни топишингиз мумкин. Баъзан бу гуруҳлар бир ҳафта давомида Муқаддас Китобдан бир парча ўқийдилар, сўнг эса ўзлари билган нарсани муҳокама қилиш учун йиғиладилар.

Худо сизни нимага ўргатаётгани ҳақида бошқаларга, ҳатто Муқаддас Китобни ўқимайдиган одамларга ҳам гапириб беришга ҳаракат қилинг.

### **Ўрганганларингизни амалда қўлланг**

Муқаддас Китоб Муқаддас Руҳнинг бизни Каломни тушунишимизга ёрдам беришини ва Худонинг фикрларимизни ёки ҳатти-ҳаракатларимизни ўзгартиришни исташини кўришимизга кўмаклашишини айтади. Муқаддас Китобни ўқишидан аввал ибодат қилинг ва Худонинг сизга нима етказмоқчи эканини кўрсатишини Ундан сўранг.

Ўқиши пайтида сиз учун муҳим бўлган оятларни ранглар ёрдамида ажратишингиз мумкин. Сиз маҳсус ажратувчи рангли ручка билан оят рақамларини доира ичига олишингиз мумкин. Агар сиз телефонда Муқаддас Китоб иловасини ишлатсангиз, унда матнни турли ранглар билан ажратиш функция бор.

Шу билан бирга Муқаддас Китобни ўрганиш учун Муқаддас китобдан алоҳида оятларни ёки фикрларингизни ёзиб олиш мумкин бўлган дафтарни ишлатиш фойдалидир. Қуйида шунга доир тавсиялар берилган:

1. Санани, китобнинг номини, сиз учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган бобнинг ва парчадаги оятнинг рақамини дафтарга кўчиринг.

2. Кундалик дафтарингизга берилган оятнинг маъносини ўз сўзларингиз билан ёзишга ҳаракат қилиб кўринг.
3. Нихоят, бу фикрни қисқартириб, 2 ёки 3 та сўзлар билан ифодалашга ҳаракат қилинг. Сиз шу куни ўқиган бутун оятни ёки парчани ёдлашга қараганда, бир нечта сўзларни ёдлаш осонроқдир.

Ҳаётингизни Худони Каломи билан тўлдиришнинг яна бир йўли – бу ҳар куни тақрорлаш орқали Муқаддас Китоб оятларини ёд олишдир. Сиз оятларни кичик варақчаларга кўчириб олишингиз ва йўлда юрганда уларга қараб эслашингиз мумкин.

Бу китобнинг охирида ёд олиш учун яхши оят – Юҳанно 3:16 мисол келтирилган. Бошқа фойдали оятлар «Ёд олиш учун Исо Масих ҳақидаги оятлар» иловасида жойлаштирилган. Нафақат оятнинг ўзини ёд олиш, балки унга атаб келтирилган парча жойини (Муқаддас Китобдаги жойини) ва матнини билиш керак.

Агар Муқаддас Китобга ижозат берсангиз, у сизнинг ҳаётингизни ҳар томонлама ўзгартиришга қодир.

## Эслаб қолиш учун Исо ҳақида оятлар

<p><b>Исонинг илоҳийлиги</b></p> <p>Худо Ўзининг бутун борлиғи билан тўла-тўқис Масихнинг вужудида мавжуддир</p> <p>Колосаликлар 2:9</p>	<p><b>Исонинг инсоний табиати</b></p> <p>У заифликларимизга ҳамдард бўла олади. Ахир, У биз каби ҳар томонлама синалган, лекин бизга ўхшаб гуноҳ қилмаган.</p> <p>Ибронийлар 4:15</p>
<p><b>Исо гуноҳкорлар учун ўлган</b></p> <p>Лекин биз ҳали гуноҳга ботган чоғимизда, Масих биз учун ўлди. Шу йўсинда Худо бизга бўлган Ўз меҳр-муҳаббатини намоён қилди.</p> <p>Римликлар 5:8</p>	<p><b>Исонинг тирилиш</b></p> <p>Менга берилган энг муҳим таълимотни сизларга етказдим. Бу таълимот қўйидагичадир. Муқаддас Битикларга мувофиқ, Масих гуноҳларимиз учун ўлган. Кейин У дафн қилинди, учинчи куни эса тирилди. Буларнинг ҳаммаси Муқаддас Битикларга мувофиқ содир бўлди.</p> <p>1-Коринфликлар 15:3-4</p>
<p><b>Исонинг қайтиб келиши</b></p> <p>Шу сингари Масих ҳам кўпларнинг гуноҳларини ўз бўйнига олиш учун, бир марта қурбон бўлиб, ўлди. У бу дунёга қайтиб келади. Бу сафар У гуноҳларни ювиш учун эмас, балки Уни интизорлик билан кутаётган одамлрга нажот бериш учун келади.</p> <p>Ибронийлар 9:28</p>	<p><b>Исо – Худога олиб борадиган ягона йўл</b></p> <p>Исо унга деди: Мен йўл, ҳаёт ва ҳақиқатман. Отанинг олдига олиб борадиган Мендан бошқа йўл йўқ.</p> <p>Юҳанно 14:6</p>
<p><b>Исога ишонинг</b></p> <p>Зеро Худо оламни шунчалик севдики, Ўзининг ягона Ўғлини берди, токи Унга ишонгандардан биронтаси ҳалок бўлмасин, балки абадий ҳаётга эга бўлсин.</p> <p>Юҳанно 3:16</p>	<p><b>Масихдаги абадий ҳаёт</b></p> <p>Худонинг гувоҳлиги шундан иборат: Худо бизга абадий ҳаёт берди ва бу абадий ҳаётнинг манбаи Худонинг Ўғли Исодир. Ким Худонинг Ўғлига эга бўлса, ҳаётга эгадир. Худонинг Ўғлига эга бўлмаган одамга эса ҳаёт йўқ.</p> <p>1-Юҳанно 5:11-12</p>

## **Агар менинг Мұқаддас Китоб түғрисида шубҳаларим бўлса, нима қилишим керак?**

Мұқаддас Китобда биз тушунишимиз қийин бўлган нарсалар бор. Буни қисман Худо табиатини охиригача тушуна олмаслигимиз орқали тушунтириш мумкин. Шу билан бирга бунинг яна бир сабаби, Мұқаддас Китоб бизнинг даврдаги воқеелиқдан кучли фарқ қилувчи маданият ва вақтда Худонинг ишларини таърифлаши ҳисобланади. Бундан ташқари Мұқаддас Китоб ҳар бир ҳикоя ёки воқеанинг батафсил таърифига эга әмас, шунинг учун биз, нимадир тушириб қолдирилгани ҳақида ўйлай бошлаймиз. Нихоят, биз Худо Мұқаддас Китоб муаллифлари орқали гапирганинига ишонсақда, улар барибир ҳаётга ўз шахсий қарашига эга одамлар бўлишган. Натижада, бунинг ҳаммаси баъзи одамларда маълум бир саросима ва безовталиқ келтириб чиқаради.

Исонинг ҳаётини ўрганиш жуда қизиқарлидир. Унинг издошлари Унинг шахси ҳақида ўз шубҳаларини очиқ айтган ҳолатлар ҳам бўлган. Бундай вазиятларда Исо аччиқланмаган, лекин уларнинг далилларни текиширишларини айтган. Ўз шубҳасини ифодалаган кишилардан бири Яхё Чўмдирувчи бўлган. У Исони сувга чўмдирган ва бошқаларга «Мана, Худонинг Кўзиси. У дунёни гуноҳдан поклайди», деб айтган.

Уни асоссиз равишда ҳибсга олишгандан сўнг ва у зинданда бўлган пайтида, унда шубҳалар пайдо бўлган. У Исонинг олдига иккита шогирдини савол бериш учун юборган: «Келадиган Зот Сизмисиз ёки биз бошқасини кутайликми?» Исо уларга шундай деб жавоб берган: «Боринглар, кўриб эшитаётганларингизни Яхёга айтинглар. Кўрлар кўрмоқда, чўлоқлар юрмоқда, тери касаллигига чалингандар тузалмоқда, карлар эшитмоқда, ўликлар тирилмоқда, йўқсиллар Хушхабарни эшитмоқда». Буни бошқа сўзлар билан шундай дейиш мумкин: «Далилларга қаранг» (Матто 11: 2-6). Яхёнинг шогирдлари жўнаб кетгандан сўнг Исо Яхёнинг имонини мақтаган! Биз ўз шубҳаларимиздан кўрқмаслигимиз керак. Мұқаддас Китоб хантал уруғидек катталиқда имонга эга бўлишнинг етарли эканини айтади.

Исонинг тирилишидан сўнг яна бир воқеа содир бўлган. Биз у ҳақида аллқачон бу китобда гапириб ўтган эдик: Тўма Исонинг михлардан қолган қўлидаги ва биқинидаги жароҳатларни ўз кўзи билан кўрмагунга қадар Исонинг тирилишига ишонмаслигини айтган. Исо Ўз шогирддарига зоҳир бўлган ва Тўмага Ўз қўли ва биқинидаги яраларини меҳр билан кўрсатган. Сўнг Исо унга шундай деган: «Мени кўрмай ишонгандар нақадар баҳтлидирлар!» (Юҳанно 20:29).

Баъзи одамлар имонга осон келадилар. Уларнинг имони оддий: «Агар Мұқаддас Китобда шундай деб ёзилган бўлса, демак, бу ҳақиқат. Агар мен ниманидир тушунмасам, у ҳолда тушуниб етганим мен учун етарлидир». Бироқ бошқа кишилар учун ишониш қийин кечади, улар кўп саволлар берадилар. Баъзи саволларга биз бу ҳаётда жавоб топа олмаймиз. Лекин Мұқаддас Китоб ҳақидаги кўп саволлар учун

керакли жавоблар мавжуд. Муқаддас Китоб билан боғлиқ бўлган мураккаб саволларнинг баъзиларига жавоб топиш билан «апологетика» номли фан шуғулланади. Шу билан бирга Муқаддас Китоб тадқиқотчилари ҳозирги пайтда ҳам ўз ишларини давом эттиromoқдалар.

Шундай тадқиқотчилардан бири атеист-ҳуқуқшунос Жош Мақдауэл исмли киши ҳисобланади. У Исонинг тирилиши афсона бўлгани ҳақидаги далилларни тўплаш учун ўзининг ҳуқуқшунослик соҳасидаги малакасини қўллашга қарор қилган. У ўз тадқиқотини якунлагандан сўнг йиғилган далиллар асосида Исонинг тирилиши воқеаси, ўйлаб топилган воқеа эмас экани ва ягона мантиқий хулоса сифатида Исо Масихнинг тирилиши ҳақиқатдан ҳам содир бўлгани ҳақидаги хулосага келган. Унинг материаллари «Рад қилиб бўлмайдиган далиллар» номли китобда нашр қилинган. Унинг яна «Шунчаки дурадгор эмас» номли китоби ҳам бор. Бу китобни ўқиш осон ва Исо Масих ҳақидаги мураккаб саволларга жавоб беради.

Кўп сонли олимлар бу масалалар бўйича тадқиқот олиб борганлар ва асарлар ёзганлар. Сиз апологетик тадқиқотлар маркази саҳифасида рус тилида Муқаддас Китоб мавзусига доир мақолалар ва муҳокамаларни топишингиз мумкин: АТМ (ЦАИ) <https://apologetika.ru/>

Худо имонга келиш йўлини осон қилиб қўймаганининг, У ҳамма одамларга Ўзининг бутун улуғворлигига келмаслигининг сабабини тушуниш қийин. Нима учундир, одамлар Уни қидириши муҳим ҳисобланади. У Ўзини қидирганлар учун Ўзини топиш имкониятларини бериб қўйган, шунинг учун таслим бўлманг! Сизда саволлар пайдо бўлсада, Муқаддас Китобни ўқиш ва Худони излашда давом этинг. Сизнинг барча саволларингизга жавоб олишга, манашу ва кейинги ҳаётда Худо билан вақтингиз кўп бўлади.

## **Бобларга кўра Муқаддас Китоб парчалари**

Энди Исо Масиҳ ҳаётининг қисқача тарихи билан танишиб бўлганингиздан сўнг, сиз бу ҳақда Муқаддас Китобнинг ўзидан ўқишингиз мумкин. Қўйида бу китобда эслатиб ўтилган кўп воқеаларга доир Муқаддас Китоб парчалари келтирилган.

Муқаддас Китоб одатда учта қисмдан иборатdir. Дастрлаб Муқаддас китоб ичидаги китобларнинг номи берилган. Агар сиз бу китобни топишга қийналсангиз, у ҳолда Муқаддас Китобнинг бошидаги мундарижага қаранг ёки телефонингиздаги китоблар рўйхатини очинг. Шундан сўнг бобларнинг рақами, икки нуқтадан сўнг эса оятнинг рақами келади. Агар икки нуқтадан сўнг рақамлар бўлмаса, у ҳолда бу парча бутун бобга тегишли эканини англалади.

### **Кириш – Яратилишдан илгари**

Муқаддас Уч бирлик – Матто 28:19; Эфес. 4:4-6; 1-Коринф. 4:4-6; Римлик. 15:30  
Шайтон учта фариштанинг иштирокида Худога қарши исён кўтарган – Ишаъё 14:12-14; Вахий 12:7-9; 2-Бутрус 2:4; Яҳудо 1:6

### **1-боб – Яратилиш ва тўфон**

Яратилиш – Ибтидо 1 ва 2-боблар;  
Одам Ато ва Момо Ҳавонинг гуноҳ қилиши – Ибтидо 3-боб;  
Нуҳ ва тўфон – Ибтидо 6-8-боб.

### **2-боб – Иброҳим Худога ишонган**

Худо Иброҳимни янги ерга кўчиб боришга даъват қилди – Ибтидо 12:1-9;  
Учта меҳмон Иброҳимга ўғил фарзанд ҳақида ваъда бердилар – Ибтидо 18:1-15;  
Худо Иброҳимнинг Исҳоқни қурбонликка келтиришини сўради – Ибтидо 22:1-19;  
Юсуфни Мисрга қулликка сотиши ва кейинчалик у бутун дунёни очарчиликдан асраб қолди – Ибтидо 37 ва 39-47-боблар.

### **3-боб – Ваъда қилинган ерга қандай қилиб қайтиб бориш мумкин?**

Мусо ва яхудий қулларнинг Мисрдан чиқиши – Чиқиш 1-12-боблар;  
Мусо Худодан Қонунни олди – Чиқиш 19 и 20-боблар;  
Бронзадан ясалган илон одамларни асраб қолиш учун ходага маҳкамланиб юкорига кўтарилиди – Сонлар 21: 4-9;  
Ёшуа Худо қўшини бошлиғи олдида мук тушиб таъзим қилди – Ёшуа 5:13-15.

### **4-боб – Абадий ҳукмронлик қиласиган шоҳми?**

Худо Довудга унинг авлоди таҳтда абадий ҳукмронлик қилиши ҳақида ваъда берди – 2-Шоҳлар 7;  
Рахабом қарийб бутун Шоҳликни бой берди – 3-Шоҳлар 12:1-24;  
Малика Оталиё шоҳлар авлодини қириб ташлашга ҳаракат қилди – 4-Шоҳлар 11.

## **5-боб – Масиҳ келяптими?**

Азобланайтган қул сифатидаги Масиҳ ҳақидаги башорат – Ишаъё 53; Масиҳнинг бокира қиздан туғилиши ҳақидаги башорат – Ишаъё 7:14; Масиҳнинг Байтлаҳмда туғилиши ҳақидаги башорат – Микаҳ 5:2; Яхё Чўмдирувчи ҳақидаги башорат (Масиҳ учун йўл ҳозирловчи элчи) – Ишаъё 40:3-4, Малахи 3:1.

## **6-боб – Исройл сургунда**

Учта яхудийларнинг оловли чуқурга ташланиши – Дониёр 3-боб; Малика Эстер яхудий ҳалқини ҳимоя қилди – Бутун Эстер китоби.

## **7-боб – Худо-Ўғил бизнинг дунёга келди**

Исонинг туғилиши - Луқо 1:26-38; 2:1-20; Матто 1:18-25; 12 ёшли Исо маъбадда – Луқо 2:41-52.

## **8-боб – Исонинг сувга чўмдирилиши ва шайтоннинг васвасаси**

Исонинг Яхё Чўмдирувчи томонидан чўмдирилиши – Матто 3-боб, Юҳанно 1:19-34; Шайтон Исони васваса қилди – Матто 4:1-11.

## **9-боб – Устоз Ўз шогирдларини танлаб олди**

Исо шогирдларнинг Унинг ортидан эргашишларига даъват қилди – Матто 4:18-22; Исо солик йиғувчи Маттони даъват қилди – Матто 9:9-13; Исо 12 та шогирдни танлаб олди – Луқо 6:12-16; Исо 72 та шогирдни хизматга юборди – Луқо 10:1-23; Бошқа шогирдлар – Унинг ортидан эргашган Магдалалик Марям ва бошқа аёллар – Луқо 8:1-3.

## **10-боб - Қойил! У мўъжизалар яратади!**

Сувнинг шаробга айланиши – Юҳанно 2:1-11; Ўнта моховнинг шифо топиши – Луқо 17:11-19; Уйнинг томидан тешик очиш йўли билан Исонинг олдига туширилган шолнинг соғайиши – Марк 2:1-12; Исонинг кийими этагига тегинган аёлнинг шифо топиши – Луқо 8:43-45; Масиҳнинг мўжизалар яратиши ҳақидаги башорат – Ишаъё 35:5 ва Матто 11:5; Исонинг ёвуз руҳларни қувиб чиқариши – Луқо 8:26-37; Исо бева аёлнинг ўғлини тирилтириди – Луқо 7:11-17; Исо Яирнинг қизини тирилтириди – Луқо 8:40-56; Исо Лазарни тирилтириди – Юҳанно 11:1-44; 5000 кишини тўйдирниш – Матто 14:13-21; 4000 кишини тўйдирниш – Матто 15:32-39; Исонинг сув устида юриши – Матто 14:22-36; Исонинг бўронни тинчлантириши – Марк 4:35-41; Мўъжиза билан қилинган мўл-кўл балиқ ови – Луқо 5:1-11.

### **11-боб – «Кимнинг эшитар қулоғи бўлса эшитсин!»**

Исо шогирдлардан Ўзини ким деб билишларини сўради – Матто 16:13-20 ;  
Қимматбаҳо марварид ҳақида масал – Матто 13:45-46;  
Хизматкорлар ва хўжайнинг қайтиши ҳақидаги масал – Луқо 12:36-48 ва Марк 13:33-37;  
Дарбадар ўғил ҳақида масал – Луқо 15:11-32;  
Исо Ўз ўлими ҳақида гапириши ва Бутрусни фош қилиши – Матто 16: 21-23;  
Исо Ўз ўлимини маъбаднинг бузилиши ва қайта тикланиши билан солиштиради – Юҳанно 2:18-22.

### **12-боб – Нима учун ҳамма Исони қабул қилмади?**

Шайтон Яхудо ичига кириб олди ва уни Исола хиёнат қилишга ундали – Луқо 22:1-6;

Бош руҳонийлар ҳасадга тўлди – Матто 27:18;  
Фарзийлар Қонунни айланиб ўтиш йўлларини топа олдилар – Матто 15:3-9;  
Исо буқри аёлга (Луқо 13:10-17) ва шолга (Юҳанно 5:1-15) шифо бериш орқали  
дам олиш куни ҳақидаги қонунни бузди;  
Исонинг «гуноҳкорлар» билан овқатланиши - Марк 2:13-17;

Худога шак келтириш ҳисобланган Исонинг сўзлари:

«Мени, Таврот ёки пайғамбарларнинг битикларини бекор қилгани келган,  
деб ўйламанглар. Мен бекор қилгани эмас, балки бажо келтиргани келдим» -  
Матто 5:17;

«Мен ва Отам бирмиз» - Юҳанно 10:30;

«Мени кўрган одам Отани кўрган бўлади» - Юҳанно 14:9-12;

«Сенинг гуноҳларинг кечирилди» - Марк 2:1-12;

Носирада Исони ўлдиришга уриниш – Луқо 4:14-30;

Исо эркин ҳаракатлана олмайди – Юҳанно 11:53-54;

Бош руҳонийлар Лазарнинг тирилишидан сўнг Исони ва Лазарни ўлдиришни  
исташи – Юҳанно 11:45-57.

### **13-боб – Охирги ҳафта**

Исонинг Қуддусга хўтиқда кириб келиши – Юҳанно 12:12-19;

Исонинг маъбаддан савдогарларни ҳайдashi – Матто 21:12-13;

Исонинг шогирдлар оёқларини ювиши – Юҳанно 13:1-17;

Қутлуғ кечлик/Охирги Фисиҳ дастурхони – Марк 14:12-26;

Исонинг ибодати ва Унинг Гетсемания боғида ҳисбга олиниши – Марк 14:32-50;

Исо Ўзини Худо Ўғли, деб аташи – Матто 26:57-67.

### **14-боб – Вазифа бажарилди – Исонинг хочи ва ўлими**

Римлик аскарлар Исони калтаклаши ва масхара қилиши – Марк 15:16-20;

Исонинг хочга михланиши – Марк 15:21-32;

Исо гуноқкорлар учун келтирилган қурбонлик қўзиси – 1-Бутрус 1:18-19, Юҳанно 1:29, Ваҳий 5:9;

Исо ва хочдаги иккита қароқчи – Луқо 23:39-43;

Исонинг ўлими - Матто 27:45-56; Юҳанно 19:28-37;

Исонинг дафн қилиниши - Матто 27:57-66; Юҳанно 19: 38-42.

### **15-боб - Масиҳ тирилди!**

Масиҳнинг тирилиши – Матто 28:1-15; Луқо 24:1-12; Юҳанно 20:1-18;

Масиҳ шогирдларга ва Тўмага зоҳир бўлди - Юҳанно 20:19-31;

Масиҳ Эммаус йўлида шогирдларга зоҳир бўлди – Лука 24:13-35;

Масиҳ балиқ овлаётган шогирдларга зоҳир бўлди – Юҳанно 21:1-14;

Масиҳ бир пайтнинг ўзида 500 та одамга кўринди – 1-Коринфликлар 15:3-8;

Масиҳ Ўзи ҳақида гапириб беришлари учун шогирдларни бошқа одамлар олдига юборди – Матто 28:16-20, Ҳаворийлар 1:8;

Масиҳнинг осмонга кўтарилиб кетиши – Ҳаворийлар 1:1-11.

### **16-боб – Жамоат – Исонинг ердаги танаси**

Ҳосил байрами ва Муқаддас Рӯҳнинг тушиб келиши – Ҳаворийлар 2:1-13;

Бутрус ва Юҳаннонинг туғма шолга шифо бериши - Ҳаворийлар 3:1-10;

Бутрус ва Юҳаннонинг яҳудий олий руҳонийлари томонидан сўроқ қилиниши –

Ҳаворийлар 4:1-22;

Бутруснинг фаришта ёрдамида зиндандан озод қилиниши – Ҳаворийлар 12:1-19;

Ханониё ва Сапфиранинг жамоатни алдашга уриниши – Ҳаворийлар 5:1-11.

### **17-боб – Исо Масиҳнинг жамоати ҳамма учун**

Филип самарияликларга Масиҳ ҳақида сўзлаб берди – Ҳаворийлар 8:4-25;

Римлик юзбоши Корнилий имонни ва Муқаддас Рӯҳни қабул қилди – Ҳаворийлар 10;

Исонинг Дамашқ йўлида Шоулга зоҳир бўлиши – Ҳаворийлар 9:1-31;

Муқаддас Рӯҳ Павлусни ва Барнабони хушхабар хизмати учун сафарга юбориши – Ҳаворийлар 13:1-3;

Инсон хайрли ишлар билан нажот топмаслиги – Эфесликлар 2:8-9, Титус 3:5;

Масиҳ Қонунни бекор қилиш учун эмас, балки ижро қилиш учун келгани – Матто 5:17;

Имонлилар яҳудийларнинг талабларидан озод экани – Римликлар 6:14,

Галатиялик 2 ва 3-боблар;

Қуддус кенгashi – Ҳаворийлар 15:1-31.

### **18-боб – Исо ҳозир нима қиласяпти?**

Исо Ота Худонинг ўнг томонида ўтирибди – Ҳаворийлар 7:55-56, Ибронийлар 1:3, Колосаликлар 3:1;

Исо Ўз издошлари учун жой тайёрлаяпти – Юҳанно 14:1-3;

Исо Ўз издошлари учун ибодат қилди – Римликлар 8:34, Ибронийлар 7:25;

Исо – жамоат отаси – Эфесликлар 4:15-16 ва 5:23, Колосаликлар 1:18, 24;  
Жамоат – Масихнинг келини – Эфесликлар 5:25-27, Ваҳий 19:7-9.

**19-боб – Исо қайтиб келади – сен эса тайёрмисан?**

Исонинг қайтиб келиши (иккинчи келиши) – Юҳанно 14:3, Ҳаворийлар 1:9-11;  
Ҳамма одамларнинг тирилиши – Юҳанно 5:28-29, Ҳаворийлар 24:15;  
Охиратдаги ҳукм ва гуноҳлар учун жазо – Матто 25:31-46, 2-Салоникалик. 1:3-10;  
Янги ер ва Осмон – Ваҳий 21:1-5;  
Тавба ва имон – Ҳаворийлар 17:30 ва 20:20-21;  
Сувда чўмдирилиш – Галатияликлар 3:26-29, Колосаликлар 2:12;  
Муқаддас Китобнинг муҳимлиги – 2-Тимўтий 3:16-17;  
Ибодат – Худо билан сұхбат – Филипиликлар 4:6-7;  
Бошқа имонлилар билан мулоқот – Яҳудийлар 10:24-25;  
Масих ҳақида бошқаларга сўзлаб бериш (хушхабар) – 1 Бутрус 2:9.



## Масихнинг насл-насаби

Матто 1:1-17 оятларига мувофиқ Исонинг насл-насаби

(Йўғон шрифт билан ажратилган исмлар бу китобда тилга олинган)



**Иброҳим**  
**Исҳоқ**  
**Ёқуб**  
Яҳудо ва Тамара  
Параз  
Хазрон  
Рам  
Оминадав  
Нахшүн  
Салмўн и Раҳоба  
Бўаз ва Рут  
Обид  
Эссай  
**Довуд** ва Ботшева  
Сулаймон  
**Рахабом**  
Абиё  
Осо  
Ёхушафат  
Ёхурам  
Уззиё

Йўтом  
Оҳоз  
Ҳизқиё  
Манаše  
Омон  
**Йўшиё**  
Ёҳайихин  
Шалтиёл  
Зарубабел  
Абиҳуд  
Эляқим  
Аззур  
Зодўх  
Охиём  
Элиҳуд  
Элазар  
Маттон  
Ёқуб  
**Юсуф**  
**Исо**

Исо давридаги Исройлнинг харитаси

